## УНУТИЛГАН МАСЪУЛИЯТ

*Яхши ниятлар билан "Нексия" сотиб олган ургутлик Вафоқул Каримов нима учундир уни ўз номига расмийлаштиришни пайсалга солди. Ҳатто "Нексия"га отасининг "Москвич" машинаси номерини ҳам қўйиб олди...*

5 бет

## ҚАФАСДАГИ ҚУШ

*У ерда дўконда сотувчи бўлиб ишлашини айтишганда, хурсанд бўлган эди. Афсуски, бу сафар ҳам уни лақиллатишди. Кунларнинг бирида у яшаб турган хонадонга полиция ходимлари келишди-ю, уни маҳкамага олиб кетишди.*

8 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2011-yil 13-oktabr, №41 (770)





# Ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида

*Жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан Президентимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да назарда тутилган устувор вазифалар доирасида кўплаб қонун лойиҳалари тайёрланиб, ҳаётга жорий этилмоқда. 10 октябрь куни Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП Марказий кенгаши ва фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам шулар жумласидандир. Мазкур қонун демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар Дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.*

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
«Huquq»

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг асосий мақсади иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этиш каби долзарб ҳаётий қирраларни қамраб олади. Қонун лойиҳасига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик оила аъзоларининг умумий мол-мулки ёки мулкий улуши негизида ҳамда оила аъзоларининг бевосита меҳнатдаги иштироки асосида ташкил этиладиган оилавий корхоналар томонидан амалга ошириладиган хўжалик фаолиятининг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасига асосан, оилавий корхона аъзолари томонидан мазкур корхона фаолиятида шахсий меҳнат иштироки мажбурияти ҳамда тадбиркорлик муомаласига жалб этилган умумий мол-мулк ёки мулкий улуш рўйхати кўрсатилган ҳолда тузиладиган таъсис шартномаси асосида ташкил этилади. Иштирокчиларнинг хоҳишига кўра, таъсис шартномасида оилавий корхонанинг фойдаси (даромад)ини тақсимлаш шартлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Шу билан бирга, оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган намунадаги ариза ва таъсис шартномаси асосида соддалаштирилган тартибда хабар бериш принципи бўйича амалга оширилади.

Йиғилиш якунида киритилган масала юзасидан электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қизғин баҳс-мунозаралар олиб борилди ҳамда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Бундан ташқари, шу куни Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Жаҳон аренасида Ўзбекистон спорти нуфузини ошириш — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг спорт соҳасидаги бош ғояси" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Халқаро Кураш ассоциацияси, Олимпия спорт турлари федерацияларининг масъул ходимлари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган давра суҳбати спорт соҳасида мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, бу борада яратилган ҳуқуқий базанинг ҳолати, мамлакат спортини жаҳон аренасига олиб чиқишда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларни белгилаб олишга қаратилди.

Қайд этиб ўтилганидек, "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифаларидан бири сифатида спортни тарғиб қилиш, айниқса, миллий спорт турларини ривожлантириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга чақириш, соҳада фаолият юритаётган инсонларни, спортчиларни қўллаб-қувватлаш каби йўналишлар белгиланган.

Партиянинг мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган уч босқичи — Умид ниҳоллари, Баркамол авлод ва Универсиада спорт ўйинлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши, миллий спорт ўйинларини ривожлантириш, хусусан, кураш, ўзбек жанг санъати каби спорт турларини жаҳон ареналарига олиб чиқиш борасида олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ташкил этиш ва тарғиботида фаол иштирок этаётганлигини таъкидлаш мумкин. Жумладан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда ўзбек жанг санъати федерацияси ва бошқа спорт федерациялари ўртасида ҳамкорлик бўйича ўзаро келишувларга эришилган.

Музокаралар сўнггида мазкур соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, бу масала юзасидан билдирилган таклифлар партиянинг келгуси ишларида муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

# Тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси

*Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Эндиги асосий мақсад энг ривожланган давлатлар сафига қўшилишдан иборат. Шу боис, барча соҳаларда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида дунё андозаларига, мезонлари ва талабларига мослашишга интилиш кучаймоқда. Мустақиллик шарофати билан кўпгина миллий урф-одатларимиз тикланди, ўзлигимизни англай бошладик. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши қонунчиликдаги мустақиллик бўлди. Чунки ҳар бир халқ, давлат ва жамиятнинг манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқлари қонунлар билан кафолатланиб, муҳофаза қилинади.*

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда, "Конституцияни қабул қилиш — жумҳуриятимизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир... Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий ғоясига кўра, янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "Фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ҳуқуқий ечимини топишга интилдик".

Россиялик эксперт Н.Мишиннинг фикрича, "Асосий қонунда инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдида масъулиятни чуқур ҳис этиш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаларига таяниш, демократия ва қонунийликка ҳурмат, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини тан олиш, Ўзбекистоннинг муносиб ҳаётини таъминлаш, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат қуриш ва ниҳоят, мустаҳкам фуқаровий тинчлик ҳамда миллий келишувни таъминлаш каби эзгу ниятлар ўз мужассамини топган".

Ўзбекистон ССР Конституциясида эса давлат манфаатларининг инсон манфаатларидан устунлиги қонунлаштириб қўйилган эди. Бугунги Асосий Қонунимизда давлат ҳам, жамият ҳам, аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида аниқ белгилаб қўйилган.

Конституциянинг асосий моҳияти шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига аниқ мақсад қўяди, шу мақсад йўлида инсонларни бирлаштиради. Ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлларини ўзида мужассам этади.

Одатда яхши қонунлар урф-одатлардан туғилади.

Қонун нима ўзи?

Буни ҳар ким ҳар хил тушунади. Умумий қилиб айтганда, қонун — бизнинг ихтиёримиздан ташқарида, амалда бўлган куч. Табиат қонунлари айнан шундай. Биз унга сўзсиз бўйсунамиз. Жамият қонунлари ҳам, гарчи инсон гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни акс эттирса-да, бевосита ҳар биримизнинг ўй-фикрларимиз билан ҳисоблашиб ўтирмайди.

/Давоми 3-бетда/


Обуна — 2012

## Ҳурматли юртдошлар!

2012 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.




ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!

НАШР ИНДЕКСИ — 231

*2011 йил 4 апрель куни Юртбошимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган эди. Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан "Департамент зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда профилактика-тарғибот ишларини кучайтириш, фаолиятни такомиллаштириш, кадрларни танлаш, тайинлаш ва тарбиялаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури" тасдиқланди.*

# Ҳаётбахш тадбирлар рўёби

**Ойбек АСҚАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Наманган вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Унга асосан, Департаментнинг Наманган вилоят бошқармаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ вилоятнинг турли ҳудудларида, жумладан, маҳаллаларда жорий йилнинг сўнгги уч ойи давомида 209 та учрашув ўтказди. Уларда 4713 нафар фуқаро иштирок этди.

Ўтказилаётган йиғилиш ва учрашувларда маҳаллалардаги иқтисодий ночор ва кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда моддий ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 2011 йил 8 август куни Тўрақўрғон туман Давлат солиқ инспекцияси биносида 45 нафар фуқаро ва тадбиркор иштирокида ўтказилган учрашувда Департамент ходимлари томонидан мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилаётган имкониятлар ва қулайликлар, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда Президентимиз томонидан 2011 йил 4 февралда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорнинг мазмун-моҳияти атрофлича шарҳлаб берилди.

Чунончи, бошқарма ходимлари томонидан давлат рўйхатидан ўтмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган фуқаролар ўртасида ҳам давра суҳбатлари ўтказилди. Уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорларидан тортиб, Ҳукумат қарорларининг моҳияти, давлат рўйхатидан ўтиб фаолият кўрсатишнинг афзалликлари ҳақида гап борди. Айниқса, аниқ далиллар мисолида рўйхатдан ўтган тадбиркорларнинг фаолиятига ҳар қандай назорат органи асоссиз аралашмаслиги ва бошқа ҳолатлар тўғрисида тушунчалар берилди.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланувчи шахсларни солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, банкдан кредит маблағлари олиб беришда кўмаклашиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш орқали 35 та хўжалик юритувчи субъектда 116 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 38 та субъект солиқ идоралари рўйхатидан ўтказилди. Ҳар иккала ҳолат бўйича 154 та янги иш ўринлари яратилиб, улар томонидан 311,4 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Масалан, Наманган шаҳрида яшовчи фуқаро Н.Шаҳобиддинов 2008 йилдан 2011 йил июнь ойига қадар консерва маҳсулотларини тайёрлаб сотиш билан шуғулланиб келган. Департаментнинг Наманган шаҳар бўлими ходимлари томонидан амалга оширилган ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари жараёнида унга тегишли "Madad malham sharbati" МЧЖ 2011 йил 10 июнь куни Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Тадбиркорлик фаолияти субъектларини рўйхатдан ўтказиш" инспекциясида давлат рўйхатидан ўтказилиб, жамиятнинг ҳисобрақами "Асака банк" Наманган вилоят филиалида очилди. Ҳозирда мазкур корхона ўзининг Наманган шаҳар 2-Ахсикент даҳасида жойлашган цехида мева-сабзавот маҳсулотларидан консерва ишлаб чиқармоқда.

2011 йилнинг ўтган 7 ойи давомида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидаги тўсиқларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш борасида ўтказилган тезкор-қидирув ва таҳлилий тадбирларда 11 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, жиноят ишлари қўзғатилди. Масалан, Мингбулоқ туманида фаолият кўрсатувчи "Мунаввар Аюб" унитар корхонаси хазиначиси Н.Каримов, Наманган вилоят аҳолин ижтимоий муҳофаза қилиш ва бандликка кўмаклашиш бош бошқармаси ходими Ҳасанбой Пайзиддинов ҳамда бошқармалар бошқа ходимлари корхонада режа асосида хўжатли текширишга келишганлиги, ҳужжатларни текширмасдан ижобий мазмундаги текшириш далолатномаси ёзиб беришни айтиб, корхона хазиначисидан 500 АҚШ доллари талаб қилишаётганлиги, имкони етиб берган 100 АҚШ долларига кўнмасдан, яна 400 АҚШ доллари талаб қилишаётганлигини баён қилиб, уларга нисбатан қонуний чора кўришликни сўраган.

Ариза ўрганилганида, унда келтирилган ҳолатлар тасдиқланди. Айбдорлар воқеа жойида 300 АҚШ долларини пора тариқасида олаётган пайтда ушландилар. Уларга нисбатан қўзғатилган жиноят иши жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судида кўриб чиқилиб, тегишли ҳуқуқий баҳо берилди.

# Ҳалол ишга нима етсин!

*Инсон зоти борки, яхши яшаш учун интилади. Бунинг учун ҳар ким ўз қобилияти ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ, ҳар қандай интилиш ва хатти-ҳаракат қонунга мувофиқ бўлиши, ўзгаларнинг манфаатларига зид бўлмаслиги шарт.*

**Аҳмед АҲМЕДОВ,**
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда ҳалол тадбиркорлар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳатто пули бўлмаса-да, аниқ мақсад ва режага эга бўлганлар учун дастлабки капиталлни шакллантириш ва кўзланган фаолиятни йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар ажратишгача бўлган имкониятлар мавжуд. Бундан фойдаланиб, энг аввало ўзига ва яшаб турган жамиятига фойда келтираётганлар бугунги кунда талайгина. Аммо афсуски, ана шундайлар ичида мавжуд тартиб-қоидаларни менсимайдиган, фойдани ўзгалар ҳисобидан олишни истовчилар ҳам топилади. Олмалиқлик Собир Пўлатов ҳам ушбу тоифадаги шахслардан бўлиб чиқди. У қурилиш материаллари бозоридаги талабларни ўрганиб чиқиб, шлакоблок бугунги кунда харидоргир маҳсулотлардан эканлигини билди. Ва ўз имкониятларини чамалаб кўриб, бундай ишни ноқонуний равишда, яъни ҳеч қандай расмий ҳужжатларсиз йўлга қўйишга қарор қилади. Шу мақсадда уч нафар ишчини ёллаб, электр энергиясига ва газ тизимига яқин бўлган ҳамда эътибордан четроқ жой топади. Бу ишидан оладиган фойдани эса бирон жойда қайд этишни, солиқ тўлашни, фойдаланадиган электр энергияси ва газ учун пул тўлашни хаёлига ҳам келтирмайди.

Ишчиларга маош тўлаш ва шлакоблок учун хомашё сотиб олишдан ташқари қолган барча маблағ тўғридан-тўғри С.Пўлатовнинг чўнтагига тушиб бораверган. Киримнинг шу тариқа келиши фаолиятни қонунийлаштириш ҳақидаги фикрни батамом йўққа чиқарган. Аммо "касални яширсанг иситмаси ошкор қилади" деганларидек, унинг яширин фаолияти ҳам ошкор бўлди. Унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Лекин мамлакатимиз қонунларининг инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, давлат мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия актига кўра С.Пўлатовнинг айби кечирилади. Шу билан бирга, етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масаласини фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал қилиниши белгилаб қўйилади.

Шундан сўнг Олмалиқ шаҳар прокурори жавобгар С.Пўлатовдан ноқонуний равишда электр токидан фойдаланиб, "Олмалиқ электр тармоқлари" корхонасига етказилган 5 713 545 сўм ҳамда "Олмалиқшаҳаргаз" филиалига етказилган 3 202 557 сўм миқдоридаги зарарни ундиришни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Ўз навбатида суд Олмалиқ шаҳар прокурорининг даъво аризаси талабларини тўла ўрганиб чиқиб, унинг даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топади. Чунки, Фуқаролик кодексининг зарар етказиш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар тўғрисидаги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги Низомнинг 13-банди талабларидан келиб чиқиб, жавобгар С.Пўлатов томонидан юқорида қайд этилган, яъни "Олмалиқ электр тармоқлари" корхонаси ва "Олмалиқшаҳаргаз" филиалига етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисида қарор қабул қилади.

# Хулоса чиқармаган экан...

*Мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, ишлаб чиқаришнинг ўсиши, миллий валютанинг қадр-қиммати ва аҳоли фаровонлиги кўп жиҳатдан давлат валюта заҳирасининг қудратига боғлиқ. Шу боис ҳам, валюта муносабатлари давлат эътиборидаги масалалар сирасига киради.*

**Жасур ИРМАТОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси катта терговчиси

2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб республикамизда жорий операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши расман эълон қилинган. Бу эса иқтисодиётнинг барқарорлашувига, инфляция даражасининг пасайишига, инвестиция жараёнига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Ўз навбатида ички валюта бозорининг эркинлашуви, товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумларининг эркинлашувига олиб келди. Бу эркинликлардан фуқароларимиз унумли фойдаланиб келишмоқда.

Бироқ, шундай бўлса-да, валютафурушликни ўзларига "касб" қилиб олганларга тез-тез дуч келинмоқда. 1988 йилда туғилган ҳамшаҳримиз Азиз Бердиев содир этган қилмишни бунга мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

А.Бердиев илгари ҳам жиноят содир этиб, Жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг ҳукми билан тегишли жазосини олган. Аммо у бундан етарли даражада хулоса чиқариб улгурмаган экан чоғи, яна ноқонуний даромад топишнинг қинғир йўлларидан юра бошлади.

2011 йилнинг 16 март куни СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган Муқимий номидаги драма театри ёнидаги автомобиллар тўхташ жойи олдида ўтказилган рейд чоғида А.Бердиев фуқаро М.Кенжаевга 4000 АҚШ долларини 9 млн. 780 минг сўмга ўтказган вақтда ашёвий далил билан ушланган. Дастлабки ва суд тергови жараёнида А.Бердиев қилмишига иқрор бўлиб, пушаймонлик билдирди.

Суд А.Бердиевни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми "б" банди билан айбдор деб топди ва унга нисбатан энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима белгилади. Шунингдек, А.Бердиевга тегишли бўлган 4000 АҚШ доллари ҳам давлат фойдасига мусодара қилинди.

Маълумки, ноқонуний валюта қимматликларини олиш ёки ўтказиш давлатнинг валюта заҳираларига йирик миқдорда зарар келтириши билан бирга, миллий пул бирлигимиз бўлган сўмнинг чет эл валютасига нисбатан расмий валюта курсининг барқарорлигига путур етказади ва айрим шахсларнинг қонунга хилоф равишда бойишига хизмат қилади.

Юқоридаги каби жиноятларни содир этиб келаётган валютафурушларни бундан бехабар деб бўлмайди. У ҳолда нега била туриб жиноятга қўл уришади? Гап шундаки, нафсининг қулига айланиб қолган кимсалар учун шахсий манфаат барча нарсадан устун. Нафс домига илинганлар эса вақти келиб қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

# Қонуний чора кўрилди

*Ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини, аввалambор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришиш бугуннинг долзарб вазифасидир.*

**Ш.ЖАББОРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Гулистон туман бўлими суриштирувчиси

Давлат идораларидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юртдошларимиз ишидан мамнунлик ҳиссини туйсан киши. Шу боиски улар ишида унум, барака бўлмоқда. Ҳам давлат ғазнасини, ҳам шахсий манфаатини кўзлаётган солиқ тўловчиларимиз сафи тобора кўпайиб бораётгани қувонарли.

Бироқ, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан шуғулланувчилар ҳамон учраб турибди.

Департаментнинг Гулистон тумани бўлими томонидан, яширин иқтисодий фаолият юритишнинг олдини олиш ва уларга қонуний чора кўриш борасида тезкор қидирув тадбирлари олиб борилмоқда.

Туманнинг Боёвут маҳалласида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Авазбек Эгамназаров ўз ҳовлисидаги ёрдамчи хўжалик хонасида кўлбола мойжувоз ускунасини ўрнатиб, ўзбошимчалик билан электр тармоғига уланиб олиб, пахта чигитидан ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланган. Унинг хонадонидан жами 1161,3 минг сўмлик "мойжувоз" ускунаси, чигит, кунжара ва бошқа ашёвий далиллар олинган.

Бундан ташқари, Деҳқонобод шаҳарчасида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Зулфиқор Эгамқулов фуқаро Азиз Халдаров билан ўзаро жиноий тил бириктириб, кўлбола мойжувоз ускунасини қонунга хилоф равишда электр тармоғига улаб, пахта чигитидан тозаланмаган ёғ ишлаб чиқараётганлиги аниқланган.

Суднинг ҳукми билан айбдор шахсларга тегишли жазолар тайинланди.

# Нурафшон келажак эгалари

## уларнинг тақдирига бефарқ бўлмайлик

***Эртанги нурафшон келажагимизнинг эгалари шубҳасиз болалардир. Уларга берилаётган меҳр ва эътибор вақти келиб, албатта, ўз ҳосилини беради. Шундай экан, болаларнинг етарли даражада билим олишлари учун шароитлар яратиб бериш, уларни назоратсиз қолдирмаслик, керак бўлса ёрдам бериш бизнинг бош вазифамиз ҳисобланади.***



**Абдуазиз НАЗАРОВ,**
Жиззах вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Жиззах вилоятида ҳам "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонун ижроси, шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолияти устидан прокурор назорати самарадорлигини янада кучайтириш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тегишли тадбирлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда вилоятда 550 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларда 18 616 нафар педагог ходимлар ўқувчиларга таълим бераётган бўлса, 75 та касб-ҳунар коллежида 58 933 нафар, 4 та академик лицейда эса 3 796 нафар ўқувчи таълим олишмоқда.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида тегишли тадбирлар ўтказиб келиниши натижасида 17 613 нафар коллеж битирувчисининг 9 287 нафари ишга жойлаштирилди.

Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда 27 марта "Бўш иш ўринлари ярмаркаси" ўтказилди. Уларда 2 025 нафар ўқувчига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди ва 1077 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланди.

Ўтказилган назорат тадбирларида йўл қўйилган камчиликлар аниқланиб, бартараф этиш чоралари кўриб келинмоқда. Аксарият коллеж ва лицейларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг касб эгаллашидаги амалий тажрибасини янада бойитиш мақсадида турли тўгараклар ташкил этилган бўлса-да, айримлари тўлиқ ташкиллаштирилмаган, тўгарак раҳбарларининг иш режалари тузилмаган, журналлар юритилмаган. Машғулотлар ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас, спорт йўналишида ташкил этилган тўгараклар фаолияти ҳам талаб даражасида эмас.

Масалан, Арнасой транспорт ва саноат касб-ҳунар коллежида 22 та, Ахборот-технологиялари коллежида 25 та тўгарак раҳбарининг иш режаси йўқ. Маъсуллар Б.Назаров, С.Рисқулов тўгараклар фаолияти устидан умуман назорат олиб боришмаган. Ахборот-технологиялари коллежи директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Б.Назаровнинг янги ўқув йили учун иш режаси тузилмаган. Маънавий-маърифий соҳада белгиланган тадбирлар тўлиқ ўтказилмаган.

Ғаллаорол туманидаги Қўйтош транспорт ва саноат касб-ҳунар коллежида фан тўгаракларининг дастур асосида ўтилиши ташкил этилмагани етмагандек, кимё, биология ва физика хоналари тўлиқ жиҳозланмаганлиги натижасида кимё фанидан 16 соат, биология фанидан 10 соат, физика фанидан 36 соатлик лаборатория дарслари ўтилмаган.

Зарбдор қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида "Ёш физиклар" тўгараги раҳбари Х.Бўриев ва "Ёш механизаторлар" тўгараги раҳбари Ю.Иштаевлар иш режасини умуман тузмаганлар. Журналлар юритилмаганлиги ҳамда машғулотлар ўтказилмаган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан туман прокурорлари томонидан айбдор шахсларга нисбатан интизомий чораларнинг кўрилиши таъминланган. Жиззах вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

"Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддасида вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари бола тарбиясига, мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими олишлари учун жавобгарлиги белгиланган. Шундай бўлса-да, айрим ота-оналар фарзандлари 9-синфни битиргач, уларни таълимнинг кейинги босқичига жалб қилмасдан қонун талабларини бузишган.

Фориш туман прокуратураси томонидан коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан ўтказилган текширишда касб-ҳунар коллежларини битирган 795 нафар битирувчининг 235 нафари ишга жойлаштирилганлиги кўрсатилган. Ҳақиқатда эса улардан 78 нафарини ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқнинг йўқлиги ва меҳнат шартномалари тузилмаганлиги аниқланди.

Жумладан, Фориш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ишга жойлаштирилганлиги кўрсатилган битирувчилардан 45 нафарининг ишга жойлашганлиги ҳақидаги маълумот мавжуд эмаслиги ва меҳнат дафтарчалари юритилмаганлиги маълум бўлди.

Бу каби ҳолатларга Қораобдол қишлоқ хўжалиги, Эгизбулоқ иқтисодиёт касб-ҳунар коллежларида ҳам йўл қўйилган. Фориш туман ҳокими номига қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Зафаробод туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда эса коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида корхона, ташкилот ва идоралар билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг йўқлиги ёки тугатилган иш ўринлари учун шартномаларнинг тузилганлиги ҳолатлари аниқланди. Хусусан, Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг туман Кенгашида 2 та иш ўрни бўлиб, бошқа иш ўринлари яратишнинг имконияти бўлмаса-да, Зафаробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг битирувчилари М.Баҳромова, Д.Мирзақулова, С.Наврўзова, Н.Нурматов ва Ж.Равшановларни иш билан таъминлаш тўғрисида уч томонлама шартномалар тузилган.

Бундан ташқари, касб-ҳунар коллежлари маъмурияти томонидан битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича тузилган уч томонлама шартномаларда ота-оналар тўғрисида маълумотлар ёритилмаганлиги, уларнинг паспорт маълумотлари ҳамда иш жойи ва яшаш манзили кўрсатилмаганлиги, ота-оналар томонидан шартномалар имзоланмаганлиги аниқланди. Мутасадди идоралар раҳбарлари номига тақдимномалар киритилиб, коллежнинг 3 нафар мансабдор шахси интизомий жавобгарликка тортилди.

*/Давоми. Бошланиши 1-бетда/*

# Тараққиётимизнинг ҳуқуқий асоси

**Абдурашид ЖЎРАЛОВ,**
Миришкор туман прокурори

Демак, табиат ва жамият қонунлари биздан ташқарида амал қилар экан, биз инсонлар уларни фақат ўзимизга фойда келтирадиган қилиб мослаштириб олишдек хомхаёлга берилмай, аксинча, шу қонунларни пухта ўрганишга ва ўз хатти-ҳаракатимизни ўша қонунларга мослаштиришга уринишимиз лозим. Қадимги юнон файласуфи Эпикурнинг таъбири билан айтганда, "Ҳатто энг бўлмағур қонунлар ҳам инсонлар учун зарурдир. Акс ҳолда одамлар бир-бирини ғажиб ташлайди". Ўша қонунлар Менга, Сизга, Унга эмас, барча кишилар, умуман жамият ҳаётига мос келмай қолган тақдирдагина, ўзимиз сайлаган вакиллар парламентда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритадилар ёхуд бекор қиладилар. Унга қадар мавжуд қонунларга бўйсунмоғимиз лозим. Эркин бўлишнинг энг асосий шарти ҳам шунда.

Аслида қонунлар амал қилишидан бутун жамият ва ҳар бир фуқаро манфаатдор бўлмоғи, бу унинг ахлоқий фазилати ва фуқаролик бурчи сифатида намоён бўлмоғи лозим. Барчамизда, айниқса, ёшларда ҳуқуқий маданият шаклланмоғи жуда муҳимдир. Бунинг учун ҳуқуқий билимлар билан қуролланмоғимиз даркор. Бу қурол сўз қуролидир. Сўз қуроли эса ҳарбий қуродан-да кучли эканлигини демократия йўлидан бораётган мамлакатларнинг аксарият фуқаролари англаб етишган.

Аслида эркинлик ҳам, мустақиллик ҳам ҳуқуқни англашдан бошланади. Демак, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мақсадида республикамиз таълим тизимига киритилган "Ҳуқуқшунослик", "Давлат ва ҳуқуқ асослари", "Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш" каби фанлар, "Сиз қонунни биласизми?", "Конституциямиз — бахтимиз қомуси" каби мактаб, туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳамда олимпиадалар туманимиз мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг Конституциямизни ўрганишларида муҳим омил бўляпти. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мақсадида туман прокуратураси ҳамда тумандаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ана шу ҳамкорлик асосида юқорида санаб ўтилган фанлардан дарсларнинг боришини назорат қилиб бораяпмиз, ҳуқуқий мавзудаги кўрик-танловларни ташкил этишда амалий ёрдам бераяпмиз.

Японларнинг "Биз аввал мияни тўйдирайлик, мия эса қоринни тўйдиради", деган ҳикматли гапи бор. Инсон ўзи яшаётган давлат ва жамият қонунларини билмас экан, у доимий равишда кўнгилсиз ҳодисалар иштирокчиси бўлиб қолаверади. Билмаслик айб эмас, билмасликка кўникиб қолиш айб. Чунки бизга барча нарсаларни билиш, англаш имконияти берилмаган, лекин табиат ва жамият қонунларидан маълум даражада бохабар бўлишимиз шарт.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, "... Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи, жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурч ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади".

Ҳуқуқий маданиятли киши фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларга оғишмай амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқининг бошқалар томонидан бузилишига, қонунларнинг поймол этилишига лоқайдлик билан қарамай, бу ҳақда жамоатчиликка хабар беради, ҳуқуқни муҳофазаловчи давлат органларига, судга мурожаат қилиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳимоя қилади. Чунки адолат учун курашиш ҳуқуқий маданиятли ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Конституцияни мукаммал билган инсон учун у ноёб ҳуқуқий қурол вазифасини ўтайди. Ундан шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилинганда фойдалана билиши, кўплаб ўзбошимчаликларнинг олдини олишда уни моҳирона қўллай олиши мумкин. Зеро, бизнинг барча қонунларимиз, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларимиз Асосий Қонунимиз — Конституциямизга асосланган.

Бугун биз эрк ва ҳуқуқларимиз кафолати, тараққиётнинг қудратли қаноти, жамият ҳаётининг мезони, ҳаёт дарслиги бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жиддий ўрганиш, уни англаш, билиш, унга асосланиб фаолият юритиш орқалигина ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалишига эриша оламиз.

У эса бизни буюк мақсад — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт сари бошлаб боради. Президентимиз Ислом Каримовнинг таъбири билан айтганда, "Биз орзу қиладиган ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор. Нақадар аччиқ бўлмасин, бу — ҳаёт, бу — ҳақиқат".

# Қонунлар ижросига масъулмиз

***Мана, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришганига ҳам йигирма йил тўлди. Шу қисқа давр ичида шаҳар-у қишлоқларимизнинг қиёфаси, халқимизнинг турмуш тарзида беқиёс ўзгаришлар юз берди. Ҳозир Наманган шаҳрига, шунингдек, туманларимиз марказлари-ю чекка-чекка қишлоқларимизга боққаннинг ҳайрати тошади, ҳаваси ортади. Кенг ва равон йўллар, анвойи гулларга тўла гулзорлар, муҳташам ва бир-биридан гўзал бинолар қисқа фурсатда кўз ўнгимизда барпо этилди. Буни биргина Тўрақўрғон тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.***

**Абдулатиф СОЛИЕВ,**
Тўрақўрғон туман прокурори

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, илгари туман саноати бармоқ билан санарли, яъни "Ширинлик" ва "Тўрақўрғон трактор заводи" каби бир-иккита корхонадан иборат бўлса, бугунга келиб иккита йирик ва юзга яқин кичик саноат корхоналари, қўшма корхоналар барқарор ривожланиш йўлини тутган. Бундан ташқари, қурилиш, транспорт, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари сафи тобора кенгайиб, кичик корхона ва фирмалар сони уч юзга яқинлашиб қолди.

Бу каби саноат корхоналарининг ривожланиши туман иқтисодиётининг жадал ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2009 йилда 9,6 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган бўлса, бу рақам ўтган йилнинг якуни бўйича 10,8 млрд. сўмни ташкил этди. Ёки саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сўнгги икки йил ичида 122 фоизга ўсиб, 6,6 млрд. сўм кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Аҳолига савдо, маиший ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳаларида ҳам бу кўрсаткич йилдан-йилга ўсиб бораётганини кўриш мумкин. Масалан, ўтган йили аҳолига савдо хизмати кўрсатиш жон бошига 592 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ бу рақам тўрт юз минг сўмга яқин ёки пуллик хизмат хизмат кўрсатиш йил якуни билан 45,1 минг сўм, ўтган олти ойнинг ўзида эса 76,2 минг сўмга қайд этилди.

Туман иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг алоҳида ўрни бор. Бугунги кунда туманда 1427 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатиб, уларнинг улуши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 26 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,6 фоиз, қурилишда 87,6 фоиз, савдода 30,5 фоиз, хизмат кўрсатишда 37,5 фоизни ташкил қилмоқда. Туманда жорий йилнинг ўзидагина тўқсонга яқин кичик бизнес субъектларининг иш бошлагани фикримиз далилидир. Эътиборлиси, уларда 640 нафардан зиёд киши иш билан таъминланди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" дастурида кўзда тутилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида шу йилнинг ўтган даврида бу соҳага 3 млрд. 731 млн. сўмдан зиёд банк кредитлари ажратилди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз раҳбари ва ҳукумати томонидан фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган кенг имкониятлар рағбати билан фермер ва деҳқонлар, боғбонлар, чорвадор ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари мамлакатимиз умумюксалишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Нур бор жойда соя бўлгани каби, ана шу эзгу ишлар қаторида бу борадаги камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, пахта етиштириш бўйича тумандаги "Забардаст Ғайрат" ММТП ҳудудидаги "Борилло Акбарович" фермер хўжалигига асоссиз равишда 39 тонна, "Обод Намуна Диёра" ММТП ҳудудидаги "Мамаджон ҳожи Жаҳонгир" фермер хўжалигига 20,8 тонна ортиқча режа белгиланган. Бу ҳолат ўз вақтида аниқланиб, туман ҳокимининг 2011 йил 15 февралдаги қарорининг шу фермерларга тегишли бандларини бекор қилиш тўғрисида протест киритилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, туман прокуратураси ходимлари фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида масъулият билан ёндашишади. Асосли, қонуний талабларни қаноатлантириш, турмуш муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Аввало, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабабларни атрофлича таҳлил қилиб, бартараф этишга эришилмоқда. Хусусан, бекорчилик, ишсизлик оқибатида юз берадиган ҳуқуқбузилишларнинг олдини олишда меҳнат ва бандлик муаммосини ҳал этиб бориш муҳим омиллардан биридир. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир фармон ва қонунчилик ижроси диққат марказимизда турибди.

Ўтказилган текширишлар давомида тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларига зарар етказилгани, бу борадаги қонунлар ижроси изчил амалга оширилмаган ҳолатларга ҳам дуч келинди.

Хусусан, Ифтихор Абдуллаев Тўрақўрғон тумани ИИБ ХООБ МТП профилактика инспектори вазифасида ишларди. У 2011 йилнинг май ойида "Тошкент" ва "Янгиобод" маҳаллалари ҳудудида жойлашган милиция таянч пункти профилактика инспектори лавозимига тайинлангач, феъли ўзгариб борди. Ўзини "хон" қиёс қилдими, ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлардан турли маҳсулотлар олиб, пулини бермайдиган одат чиқарди.

Дастлаб дўкон сотувчилари ҳам, тадбиркорлар ҳам унга бир нима дея олишмади. Ахир у "участкавой"! Аммо И.Абдуллаевнинг борган сари иштаҳаси очилиб борарди.

У 2010 йил июнь ойидан 2011 йил май ойига қадар "Зафар савдо инвест" хусусий корхонасига қарашли савдо дўконидан 520 минг сўмлик салқин ичимликлар, қассоб А.Ҳайдаровдан 200 минг сўмлик гўшт, кабобпаз Н.Раҳимов ва Р.Исоқовдан 330 минг сўмлик кабоб ва сомса, новвой Ш.Мирзааҳмедовдан эса 15 минг сўмлик нон олиб, пулини бермаган. Шу тариқа 1 млн. 145 минг сўмлик маҳсулотларни олиб, ҳақини тўлашга келганда...

Пичоқ суякка бориб қадалгач, тадбиркорлар ва сотувчилар туман прокуратурасига арз қилишга мажбур бўлишди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, И.Абдуллаев суд ҳукмига асосан қонуний жазосини олди.

Бундан ташқари, туман Давлат солиқ инспекцияси мансабдор шахслари томонидан фуқаролар М.Мирзараҳимов ва Б.Ўринов ўзларига тегишли "Дамас" машинасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатаётганларида ушланиб, уларга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорида жарима белгиланган.

Туман прокуратурасида ташкил этилган "Ишонч телефони"га келиб тушган маълумотга кўра, ушбу ҳолат ўрганилганда, мазкур фуқаролар туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинганлиги маълум бўлди. Туман прокуратураси протестига кўра мазкур фуқароларга жарима қўллаш бўйича туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи томонидан қабул қилинган қарорлар бекор қилинди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, туман прокуратураси томонидан туманда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар, туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар, тижорат банклари раҳбарлари иштирокида тадбиркорларга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳамда уларни бартараф этишда хўжасизликка берилиш каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказилди. Мулоқот чоғида ўртага ташланган муаммоларни бартараф этиш жараёнида 3 нафар тадбиркорга 15 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилиши таъминланди. Шунингдек, 5 нафар фуқарога тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун давлат рўйхатидан ўтиш борасида ёрдам берилди.

Бундан ташқари, туман прокуратурасининг аралашуви билан "Рухшона Абдуллаева" фермер хўжалиги учун "Миллий банк"нинг туман филиалидан ҳисоб рақами очилди, тадбиркор А.Ғофуровнинг "Муқаддас Нуроний савдо" хусусий корхонасига савдо терминали ўрнатилди. Шу каби, тадбиркорлар Насриддин Муҳиддинов, Шерзод Давлатов, Миролим Ваҳобовга ҳам савдо дўконлари учун терминаллар олишда кўмаклашилди.

Ўтказилган текширишлар якунига кўра, туман ҳокими қарорига протест келтирилиб, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Шунингдек, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бошлиғига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан эл соғлиғи йўлида муайян ишлар олиб борилмоқда. Соҳа ривожи учун кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, халқимиз саломатлигини сақлаш, юқумли ва ўта хавфли хасталиклар кўпайишининг олдини олиш, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Буни эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан туман Тиббий-маслаҳат комиссияси ва Врачлар консультатив комиссиясида текшириш ўтказилганда бир қатор камчиликлар аниқланди.

Масалан, Тўрақўрғон тумани, "Сайрам" ҚФЙ, "Бекобод" МФЙда яшовчи вояга етмаган М.Маъруфжоновга кўрув органларининг туғма етишмовчилиги, горизонтал нистагм, гиперметрация юқори даражаси ташҳиси қўйилган бўлиб, ушбу ташҳис юқорида келтирилган буйруқнинг 111 Б-1 банди билан белгиланган касалликлар турига киради. Демак, М.Маъруфжоновга ушбу ҳолатда 16 ёшга тўлгунга қадар, яъни 2016 йил 30 майгача ногиронлик тайинланиши лозим эди. Афсуски, мутасаддилар бунга панжа орасидан қарашгани боис, 2 йил муддатга ногиронлик тайинланган, холос.

Шунингдек, "Холматов" ҚФЙда М.Юнусхонова, "Ахси" ҚФЙда яшовчи вояга етмаган М.Саидаҳмедовга касаллиги бўйича 2 йил муддатга ногиронлик тайинланиши лозим бўлсада, уларга 1 йил муддатга белгиланган.

Мазкур ҳолатлар келгусида қайтарилмаслигининг олдини олиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси таркибида битта тез тиббий ёрдам кўрсатиш станцияси мавжуд бўлгани ҳолда, тумандаги "Шаҳанд", "Ўзбекистон", "Бураматут", "Ахси" ва "Яндама" қишлоқ врачлик пунктларида 5 та тез тиббий ёрдам подстанциялари ташкиллаштирилган.

Бироқ туман тез тиббий ёрдам бўлими қабулхонаси кўздан кечирилганда беморнинг тана оғирлигини ўлчаш учун тарози, бўй ўлчаш учун ростомерларнинг йўқлиги, беморларга биринчи ёрдам учун боғлов материалларининг етишмаслиги, бинт ва гипслар беморлар томонидан дорихоналардан сотиб олинаётгани маълум бўлди.

Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам бўлимининг молиявий хўжалик фаолияти тегишли мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганилганда, 2011 йилнинг 6 ойи давомида бирлашманинг шошилинч тез ёрдам бўлимига дори-дармон учун 7462,5 минг сўм молиялаштириш режалаштирилган бўлсада, ҳақиқатда 17634,9 минг сўм харажат қилинган. Шундан 7810,5 минг сўми бюджетдан сарфланган. Бу эса режага нисбатан 348 минг сўм кўпдир. Бу каби ҳолатларни бошқа бўлимларда ҳам учратиш мумкин.

Текширишлар якунига кўра, қонун талабларига зид равишда чиқарилган буйруқларни бекор қилиш тўғрисида 3 та протест киритилиб, ўз хизмат вазифасини лозим даражада бажармаган 10 нафар ходимга нисбатан интизомий, 10 нафар шахсга нисбатан моддий, 11 нафарига эса маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди. Мазкур нохуш ҳолатларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи номига тақдимнома киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, буюк ва муқаддас Ватанимизда инсон азиз ва қадрли экан, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамиша қонун муҳофазасидадир. Биз — прокуратура органлари ходимлари шак-шубҳасиз, юртдошларимиз қонун устувор юртда бахтиёр ва шодон ҳаёт кечиришларини таъминлашга бурчлимиз.

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарканд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 271-12-26 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

# Унутилган масъулият

## ёхуд йўл-транспорт ҳодисалари оқибатлари хусусида



**Дилшод КУБАЕВ,**
Самарқанд вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи
**Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,**
«Нидиқ»

***Юртимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса турли кўнгилсиз ҳодисалардан, инсонларни ҳаётдан бевақт кўз юмишидан асраш, автомобиль йўллари ва кўчаларда хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди ва жорий йилнинг 27 апрелидан кучга кирди. Бу — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос ижобий бурилиш ясади, десак янглишмаймиз.***

Самарқанд вилоятида йўл назорати соҳасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилганимизда, натижалар кишини қувонтиради. Жумладан, йўлларда ўрнатилган йўл белгилари 402 тани, алмаштирилганлари 856 тани, қайта тикланганлари 250 тани ташкил этади. Шунингдек, учта янги светофор ўрнатилиб, таъмирланган йўл 106 057 метрдан ошиб кетди. Бу каби хайрли ишлар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Биз кўпинча камчиликлардан кўз юмиб, ютуқлар ҳақида гапиришга ўрганиб қолганмиз. Бироқ, таҳлиллар натижасига қарасак, йўл ҳаракати соҳасида мақтанишга арзирли жиҳатлардан кўра хатоларнинг кўплигига дуч келамиз.

Йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиб, воқеа жойидан қочиб кетган ҳайдовчиларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларини ўрганиш жараёнида, айбдор ҳайдовчи ҳамда транспорт воситаларини аниқлаш юзасидан олиб борилаётган тезкор ва тергов ишларида камчиликлар аниқланди. Мазкур тоифадаги жиноятни содир қилган ҳайдовчиларни аниқлаш учун ҳамма чоралар кўрилмай, тезкорлик билан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар ўтказилмаган. Ҳодиса жойига чиққан тергов-тезкор гуруҳи тўлиқ таркибда эмаслиги, улар томонидан кечиктириб бўлмайдиган ҳолатда жиноят шоҳидларини аниқламасдан, вақтнинг бой берилиш ҳолатлари юз берган. Инсон ўлимига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда марҳумнинг жасади суд-тиббиёт экспертизаси ўтказилмасдан марҳумнинг қариндошларига бериб юборилганлиги ва натижада марҳумнинг қариндошлари томонидан дафн этилгандан кейин йўл-транспорт ҳодисаси натижасида вафот этган шахснинг ўлими сабаби аниқланмасдан қолиши ҳолатлари юз бермоқда. Ушбу ҳолатлар эса жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш имкониятини бермайди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Самарқанд вилояти ҳудудида 156 та одам ўлими билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган.

Жумладан, ўтган йилнинг 10 ноябрида отасига тегишли "ВАЗ-21053" русумли машинани миниб кўчага чиққан самарқандлик Сергей Ҳамраев, кўчада ўртоқлари А.Абдусаломов ва Ш.Муртазоқуловларни учратиб қолиб, уларни машинасига миндириб олди. Самарқанд шаҳрининг Регистон кўчасидан Университет хиёбонига қараб келаётган пайтда, хиёбонга кираверишдаги светофорнинг қизил чироғига аҳамият бермай, тормозни босишни хаёлига ҳам келтирмайди. Айни шу пайтда пиёдалар ўтиш жойидан Жасур ва Азамат исмли фуқаролар ўтиб боришарди. Жасур олдинроқда, Азамат орқароқда эди. Шитоб билан келган "Жигули" Азаматни уриб кетади. Зудлик билан шифохонага етказилган жабрланувчига керакли ёрдам кўрсатилса-да, бироқ етказилган оғир жароҳати навқирон йигитни уч кундан сўнг орамиздан олиб кетди.

Амалда бўлган йўл ҳаракати қоидаларига кўра, транспорт воситасини мастлик ҳолатида бошқариш тақиқланган. Вилоят ҳудудида эса 23 та ҳолатда ҳайдовчилар машинани спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолатда бошқариб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этишган. Ачинарлиси, улардан 18 тасида ўлим ҳолати қайд этилган.

Хусусан, шу йилнинг 10 июль куни Самарқанд тумани "Мотрит" қишлоғи ҳудудидан ўтувчи йўлда ҳайдовчи Хван Леонид спиртли ичимлик истеъмол қилиб, "Нексия" русумли автомашинасини бошқариб бораётганда, машина бошқарувни йўқотиб, қарама-қарши йўлга чиқиб кетган. Натижада, йўлнинг иккинчи қисмида ҳаракатланаётган Фазлиддин Нуриддинов бошқарувида бўлган "Нексия" билан тўқнашади. Оқибатда, иккинчи машина йўловчиси Жўрақул Раупов вафот этган, бошқа йўловчилар эса тан жароҳати олишган.

Маълумки, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларига кўра, аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситаларининг тезлиги 70 километрдан ошмаслиги, аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида эса енгил автомобилларга 100 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилган. Аммо, айрим ховлиқма ҳайдовчиларнинг қоидани бузиши оғир оқибатларга олиб келмоқдаки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.

Жумладан, 4 июль куни Нарпай тумани "Қорасийроқ" қишлоғи ҳудудидан ўтувчи Навоий-Самарқанд йўлининг 110-километрида И.Муҳаммадиев бошқарувидаги "Нексия" автомашинаси соатига 117 километр тезликда "учиб борарди". Машина йўналишида эса Сирожиддин Исмоилов велосипедини тўхтатганча, машиналарнинг ўтишини кутиб турганди. Юқори тезликда бораётган "Нексия" С.Исмоиловни уриб , унинг ўлимига сабабчи бўлди.

14 июль куни соат 8:00лар атрофида Ҳамроқул Муҳамедов "Нексия Донс" русумли машинасини Навоий-Самарқанд йўлида Самарқанд шаҳри томон бошқариб борган. Йўлнинг Оқдарё тумани "Мустақиллик" қишлоғи ҳудудида соатига 116,4 километр тезликда бошқариши оқибатида Мардали Аҳмедовни уриб кетган. Йўловчи оғир тан жароҳати олганлиги сабаб вафот этган.

Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг узоқ масофаларга транспорт воситаларини чарчоқлик ҳолатида бошқаришлари ҳам оғир оқибатларга олиб келмоқда.

8 август куни "Нексия" русумли автомашинада Тошкентдан Урганчга қараб йўл олган Ўринбой Хўжаев Бухоро-Самарқанд йўлида чарчоқлик ҳолатида бўлиб, олдида кетаётган "КамАЗ-53212" автомашинанинг орқа қисмига бориб урилган. Тўқнашувда енгил автомашинадаги йўловчилар А.Бекчанов ва Б.Бобожоновалар оғир жароҳат туфайли воқеа жойида вафот этганлар.

Шунингдек, амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг кўрсатилган талабларидан бири, транспорт воситаси ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, қарияларга нисбатан эҳтиёткорроқ бўлиш чораларини кўришга ҳамда уларга амал қилишга мажбурлиги айтиб ўтилган. Кузатишлар натижасида бунга айримларнинг амал қилмаётганлиги маълум бўлди.

Хусусан, 21 апрель куни кечга яқин Т.Мамараҳимов Самарқанд шаҳридаги А.Икромов кўчасида "Матиз" русумли машинани бошқариб бораётиб, 72 ёшли Саломат Шукуровани уриб юборган. Ҳайдовчи йўл қоидаларига кўра, йўл шароитини ҳисобга олган ҳолда транспорт тезлигини доимо назорат қилиб бориши лозим эди. Бироқ, Т.Мамараҳимов ҳаракатланиш чоғида пиёдалар, айниқса, қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришни унутиб қўйган. Ҳайдовчи оғир тан жароҳати олган жабрланувчини зудлик билан шифохонага етказган бўлса-да, афсуски, С.Шукурова орадан беш кун ўтиб, шифохонада ҳаётдан кўз юмган.

Айрим ҳайдовчилар йўл-транспорт ҳодисани содир этгач, жабрланувчини оғир аҳволда қолдириб, қилмишини яшириш истагида қочиб қолишади. Улар "ёпиғлик қозон ёпиқлигича қолаверади", деб ўйлашса керак-да!

Яхши ниятлар билан "Нексия" автомашинаси сотиб олган ургутлик Вафоқул Каримов бўлса, нима учундир уни ўз номига расмийлаштиришни пайсалга солди. Ҳатто "Нексия"га отасининг "Москвич" машинаси номерини ҳам қўйиб олди. Бироқ, унинг кейинги қилмиши барчасидан ошиб тушди.

26 февраль куни Жомбой туман марказидан Самарқанд шаҳрига бораётиб, йўлнинг чап қисмидан ўнг томонига ўтаётган пиёда М.Ҳамроевани уриб кетди. Оғир жароҳат олиб, ҳаёти хавф остида қолган жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига воқеа жойидан жуфтакни ростлаб қолди. М.Ҳамроева эса вафот этди.

Суд айбдор Вафоқул Каримовни икки йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан бирга 1 йил-у 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этди.

Айбдор жазосини тортди, лекин жабрдийданинг вояга етмаган икки нафар фарзандига ким оналик қилади, ким жовдираган нигоҳларга оналарча меҳр кўрсатади?!

Бу каби ҳодисалар ғоят афсусланарли, албатта. Ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган талаба йигитнинг, икки норасидаси зор йиғлаб қолган онанинг, боқувчисидан айрилган оилаларнинг, беайб йўловчиларнинг фожиаси кўнгилларни чўктириб юборади. Уларнинг ортидан йиғлаб қолганларнинг кўз ёшларига ким жавоб беради?! Сабаблар изланса минглаб саволлар пайдо бўлади. Асосий сабаб эса, эътиборсизлик ва масъулиятсизликда.

Кўзимизни очайлик, огоҳ бўлайлик, йўлга чиққан кишилар ҳаёти ўзи ва яқинлари учун қадрли эканини унутмайлик. Уларнинг ичида сиз билан биз ҳам бормиз.






# Оила

## у жамият ва давлат муҳофазасидадир

**У.ҚОДИРОВА,**
Тошкент шаҳар Оила маросимлари Маркази директори

***Мустақил тараққиётимизнинг йигирма йиллик даври давомида амалга оширилган ислоҳотлар барча соҳаларда изчил ривожланиш учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди. Айниқса, ислоҳот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилгани ва уларнинг бир-бирини тақозо этиши эътиборга олингани алоҳида таҳсинга сазовор. Масалан, бевосита оила институтини оладиган бўлсак, мустақиллик йилларида оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш мақсадида ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш ва билим даражасини ошириш каби масалалар комплекс равишда қамраб олинди.***

Бунда оиланинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги асосий вазифаси, ўрни ва роли юксак эканлиги эътироф этилди. Чунки биринчидан, ҳар қандай маънавият, таълим ва тарбия оилада шаклланади, иккинчидан, жамиятимизнинг асосий бўғинини оила ташкил этади. Ҳар қандай ислоҳот агар у оилага кириб бормаса, унинг муваффақияти сезиларли бўлмаслиги мумкин, учинчидан, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олинган юксак мақсадларимизга эришиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч бўлишга қодир, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган баркамол авлод аввало оилада етишиб чиқади.

Қолаверса, айнан оилада, ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги муҳитида фарзанд дунёга келади, шахс ва фуқаро сифатида камол топади. Яъни ташаббускорлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик туйғулари аввало оилада шаклланади. Шунинг учун ҳам оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун ўтган йигирма йил ичида ҳар томонлама чуқур асосланган кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Конституциямизнинг алоҳида боби оилага бағишланиб, унда оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга деб эътироф этилди.

Мустақиллик йилларида мазкур конституциявий қоидани ҳаётга татбиқ этиш мақсадида оила билан бевосита ёки билвосита боғлиқ 50 га яқин қонунлар, 20 га яқин Президент Фармонлари, қарорлари, фармойишлари, 70 дан ортиқ Ҳукумат қарорлари, фармойишлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси қабул қилинди. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари оилани мустаҳкамлашдан, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида қуришдан, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймасликдан, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат деб белгилаб қўйилди.

Бир қатор вазирликлар, хусусан Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими ва бошқа вазирликларнинг тегишлича асосий вазифаси сифатида никоҳни қайд этиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, оилавий тадбиркорликнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш, оила, она, ота ва болага тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга ошириш кабилар белгиланди. 1998 йилда Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилди.

Агар 1998 йил мамлакатимизда бевосита "Оила" йили деб эълон қилинган бўлса, ундан кейинги йилларда ҳам оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, ҳар бир оиланинг фаровонлигини яхшилаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Оиланинг ижтимоий, иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида кучли ижтимоий сиёсат юритилиб, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, хусусан, уй-жой қуриш, рўзғорни бутлаш учун тижорат банклари томонидан ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Уларга бепул қорамол ажратилди, оилаларга ерлар томорқа сифатида берилди.

Оила аъзоларини иш билан банд қилиш мақсадида янги-янги механизмлар йўлга қўйилмоқда. Масалан, касаначилик соҳасида 2010 йилда 210 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, 2011 йилда бу соҳада, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган.

Мустақиллик шарофати билан хусусий мулкка кенг йўл очиб берилганлиги туфайли тадбиркорлик фаолияти кенг қулоч ёйди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 52,5 фоизга етди.

Оилаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошди. Шунингдек, ҳукуматимизнинг "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, қишлоқ жойларда хусусий уй-жой қурилиши учун ҳар бир иморат қурувчига 0,06 га ҳажмда ер участкалари ажратилди. Намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Бу ҳам оилалар янада фаровон, қулай ҳаёт кечиришлари учун мустаҳкам замин яратмоқда. 2010 йилда республиканинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 800 та уй-жой барпо этилди. Биргина жорий йилнинг ярим йиллигида якка тартибдаги уй-жой қурилаётган янги қишлоқ мавзеларида намунавий лойиҳалар бўйича 2260 та уй-жой фойдаланишга топширилди.

Истиқлол йилларида деярли ҳар бир оилага замонавий ахборот технологиялари кириб борди. Айниқса, интернет, мобил алоқадан фойдаланувчилар миқдори йилдан-йилга катта суръатлар билан ўсиб бормоқда. Ўзбекистон мобил алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторига кирди. 19 млн. дан ортиқ абонент мобил алоқа хизматидан фойдаланмоқда, бу эса 2000 йилга нисбатан 200 баробар ошиқ деганидир. Ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 тадан кам мобил телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди. Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони эса 1,4 баробар кўпайиб, 6,6 млн. кишидан ошди.

Оиланинг жисмонан бақувват, баркамол бўлиши учун болалар спортини ривожлантириш кенг миқёсда амалга оширилди. Бугунги кунда ўқувчиларнинг ҳар уч нафаридан бири спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Айниқса, қиз болаларни, энг аввало, қишлоқ қизларини спорт билан шуғулланишга, уларни бадиий гимнастикага жалб қилиш жаҳонда бўлиб ўтаётган турли нуфузли танловларда ўз натижасини кўрсатмоқда.

Барчамизга маълумки, оила мустаҳкамлигини таъминлашда маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, оилада ҳавас қилса арзийдиган муҳитни яратишда биринчи навбатда маҳалла таъсирчан кучга эга бўлиши керак. Шу маънода Юртбошимизнинг 2004 йил 25-майдаги 3434-сонли Фармони ижроси ўлароқ оилада соғлом, маънавий-ахлоқий муҳит барпо этишда маҳалла ва хотин-қизлар ташкилотларининг ролини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Бунда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш бўлимлари ҳам фаол қатнашиб, жойларда соғлом оилани шакллантириш, оила-никоҳ масалалари бўйича қонунчилик нормаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Энг қувонарлиси шундаки, ислоҳотлар натижасида ўтган йигирма йил ичида одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3 баробар камайди.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш жорий этилганлиги ва бошқа чора-тадбирлар натижасида туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробарга камайди.

Энг муҳими, ўтган йигирма йил ичида мустақилликнинг илк ёш оила қурувчилари ўсиб унди, яъни 1991 йилда туғилган бола 20 ёшга тўлди. У мустақил юртда туғилиб, мутлақо янги, сифат жиҳатидан бошқа муҳитда камол топиб, соғлом зурриётни дунёга келтирмоқда. Бу эса мустақилликнинг ортга қайтмаслиги, абадийлигининг муҳим гаровидир.

■ Миннатдорлик мактуби

***2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили", деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда ўтказилаётган турли тадбирлар ва йиғилишлар орқали барча турда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва мажбуриятларига амал қилиши юзасидан зарур йўл-йўриқ ва кўрсатмалар бериб келинмоқда.***

## Ишончимиз янада ортди

Мен ҳам 2004 йилдан бери якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиб келаман. Фаолиятим давомида турли муаммоларга, айниқса, сунъий тўсиқларга кўп бора учрадим. Шундай пайтларда кимга мурожаат қилишни-ю, муаммоларимни қандай ҳал этишни билмасдим. Табиийки, бундай ҳолатлар тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантиришга салбий таъсир этмай қолмасди.

Шундай кунларнинг бирида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Фарғона вилояти Данғара туман бўлими бошлиғи ва ходимлари томонидан маҳалламизда ўтказилган тадбиркорлар билан учрашув мен ва мен каби фаолият юритаётган тадбиркорларга кенг қамровли тушунчалар олишимизда катта ёрдам берди. Йиғилишда Департамент ходимлари тадбиркорларга давлат томонидан яратиб берилаётган имкониятлар ҳамда бу йўлда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш чоралари ҳақида гапириб ўтишди. Шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланишнинг йўллари ҳамда янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида тадбиркорлик билан шуғулланишимиз, бу борада Департамент ходимлари яқиндан ёрдам беришлари мумкинлиги айтилди. Йиғилишдан сўнг мен ҳам маҳалламизда тикувчилик цехи очишни режалаштирдим. Режа асосида туман ҳокимлигидан тикув цехи қуриш учун 8 сотих ер олдим. Кераклли ҳужжатларни расмийлаштириб, аввалдан ҳисоб-рақамим бўлган "Халқ банки"га қурилиш учун 20 млн. кредит сўраб мурожаат қилдим.

Орадан олти ой ўтса ҳамки, менинг мурожаатим бугун-эрта деган баҳоналар билан "Халқ банки"нинг кредит бўлими бошлиғи томонидан кўрилмай келинди. Охири, Департаментнинг Данғара туман бўлимига келиб учрашдим. Департамент ходимлари арзимни ўрганиб чиқиб, банкнинг кредит бўлими бошлиғига нисбатан қонуний чора кўришди ҳамда кредит олишимда амалий ёрдам беришди.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ўз фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган ҳамда иш бошламоқчи бўлган тадбиркорларга қонуний ёрдам беришда беминнат кўмак бериб келаётган Департамент ходимларига нисбатан ишончимиз янада ортди.

**Данғара тумани "Тошкент" кўчаси 48-уйда яшовчи тадбиркор Сайёра АКБАРОВА**

# Мулк ҳуқуқи

## уни ҳимоя қилишда даъво турларини қўллаш масалалари

**А.ХИДОЯТУЛЛАЕВ,**
Бош прокуратуранинг
ОЎК катта ўқитувчиси

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларнинг мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний йўл билан кафолатлашда фуқаролик ҳуқуқи нормалари муҳим роль ўйнайди. Ҳозирда фуқаролик ҳуқуқи йўли билан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат:

— мулкни бировнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъволар);

— мулкдан фойдаланишда мулк эгасига қилинган тўсқинликларни бартараф этиш (негатор даъволар);

— мулк ҳуқуқини бузишга қаратилган ғайриқонуний битимлар (шартномалар)ни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида қарорлар чиқариш билан қўриқлаш;

— асоссиз олинган мулкни қайтариш йўли билан қўриқлаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг юқорида кўрсатилган усулларидан биринчи ва иккинчиси ашёвий ҳуқуқ нормаларига асосланиб қилинадиган даъволар бўлса, учинчи ва тўртинчи усуллари мажбурият ҳуқуқи нормаларига асосланиб қилинадиган даъволар ҳисобланади.

Ашёвий ҳуқуққа асосланган даъволар — ашёнинг (мулкнинг) асл ҳолида қайтарилишига ёки мулкдан фойдаланишда қилинаётган тўсқинликларни йўқотишга қаратилади.

Мажбурият ҳуқуқига асосланган даъволар эса битимда (шартномада) иштирок этувчи мулк эгасининг (кредиторнинг) манфаатини қўриқлашга, ғайриқонуний равишда тузилган шартнома юзасидан олинган нарсани мулк эгасига қайтаришга, зарар кўрган шахснинг (жабрланган шахснинг) зарарларини тўлатишга, асоссиз олинган нарсаларни қайтариш ёки унинг қийматини қайтаришга қаратилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 233-моддасида мулкдорнинг ҳуқуқи қонуний равишда тўхтатилган тақдирда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари белгилаб қўйилган. Айни вақтда қонунда мулкдорнинг ҳуқуқини бузувчи ҳужжатлар қабул қилинишининг ҳуқуқий оқибатлари ҳам ўз ифодасини топган. Бинобарин, юқоридаги асосларга мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ўзига хос мустақил тури сифатида қаралиши мумкин. Бундай ҳолатларда мулкдор ҳуқуқининг бузилиши давлат идораси томонидан норматив ёки ҳуқуқни қўлловчи ҳужжат қабул қилиниши орқали рўй беради. Бунда мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши қонуний асосларга эга бўлиши ёхуд ғайриқонуний бўлиши мумкин. Лекин ҳар иккала ҳолатда ҳам мулкдорнинг қонуний манфаатлари кафолатланади. Масалан, мулкдорга қарашли уй, бошқа бинолар, иншоотлар, дов-дарахтлар жойлашган ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилиниши муносабати билан ёки давлат идорасининг мулкдор мол-мулкини бевосита олиб қўйишга қаратилмаган бошқа қарори муносабати билан мулкдор ҳуқуқини тўхтатиб қўйишга қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибдагина йўл қўйилади. Бунда мулк ҳуқуқи бекор бўлиши муносабати билан мулкдорга етказилган барча зарарлар мулкдорга батамом тўланади. Агар мулкдор бундай қарордан норози бўлса, у ҳолда низо суд томонидан ҳал этилмагунча мулк ҳуқуқини бекор қилишга сабаб бўлувчи қарори ижроси тўхтатилади.

Давлат бошқарув идораси ёки давлат ҳокимияти маҳаллий идораси томонидан қонунга хилоф бўлган ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида мулкдорнинг мулкий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, бундай ҳужжат мулкдорнинг даъвосига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилади. Мазкур ҳужжатни қабул қилган давлат органи ўз ихтиёридаги маблағ ҳисобидан мулкдорга етказилган зарарни тўлаши лозим бўлади.

Мулкдорга қарашли мулк бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг қонунсиз эгалигида бўлса, мулкдор ўз мулкини асл ҳолатида қайтариш ҳақида судда бу шахсга нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли. Айнан ФКнинг 228-моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақлидир. Фуқаролик ҳуқуқи назариясида бундай даъволарга виндикацион даъволар дейилади.

Виндикацион даъво мулкни инсофсиз эгалловчиларга ҳам қилиниши мумкин. ФКнинг 229-моддасида кўрсатилганидек, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи буни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл билан уларнинг эгалигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

ФКнинг мазкур 229-моддасидаги умумий қоидада баъзи истиснолар ҳам назарда тутилган. Чунончи, агар мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни юқорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди. Агарда мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли. Пул маблағлари ва тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

Ўзининг ғайриқонуний равишда бошқа шахсга ўтказилган мулкларини талаб қилиб олишда мулкдор бир вақтнинг ўзида қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

биринчидан, инсофсиз эгалловчидан, масалан, сотиб олувчидан мулкни эгаллаган барча вақти мобайнида олган ёки олиниши лозим бўлган ҳамма даромадларнинг қайтарилиши ёки тўланишини;

иккинчидан, инсофли эгалловчидан эса — унинг мулкни эгаллаши ғайриқонуний эканлигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёки мулкнинг қайтарилиши тўғрисида мулк эгасининг даъвоси бўйича чақирув қоғози олган пайтдан бошлаб олган ёки чақириб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларнинг қайтарилишини ёки тўланишини талаб қилишга ҳақли (ФКнинг 230-моддаси).

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам, мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилиши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни тўлашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Амалдаги қонунчилигимизга биноан мулк ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг кучайтирилишини таъминловчи қатор муҳим қоидалар белгиланган. Булар жумласига қуйидагилар киради:

биринчидан, мулк эгаси мулкини ўзи йўқотган ёки ўзи ўғирлатган ҳолларда инсофли эгалловчидан талаб қилиб олишдан ташқари яна мулк унинг ихтиёридан ташқари эгалигидан (қўлидан) кетган тақдирда ҳам талаб қилиб олиш;

иккинчидан, мулк бировга ишониб топшириб қўйилганда унинг ихтиёридан ташқари қўлидан чиқиб кетган бўлса ҳам, бу мулкни инсофли равишда олувчидан талаб қилиб олиш;

учинчидан, агар мулк бировга топшириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан бепул олинган бўлса, у вақтда мулк эгаси барча ҳолларда ўз мулкини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, виндикацион даъво — бировнинг қонунсиз эгалигида бўлган ашёни қайтариб олиш ҳақидаги мулк эгасининг даъвосидир. Виндикацион даъвони бошқа турдаги даъволардан ажратиб турадиган асосий белгилари: даъво бўйича тарафлар, даъвонинг асоси ва предмети орқали ажралиб туради.

Ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, лекин ашёси қўлида бўлмаган шахс виндикацион даъво бўйича даъвогар бўлади. Виндикацион даъвони қилишга айрим мулк эгасигина ҳақли бўлмай, улушлари бўлган мулкдорларнинг ҳар қайсиси ҳам даъво қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мулкни қонун ва шартномага биноан эгаллаб (сақлаб) турган шахслар ҳам виндикацион даъво бўйича даъвогар бўладилар.

Эгалик ҳуқуқи виндикацион даъво қилишга асос бўлади. Мулкдор мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли ашёга бўлган субъектив ҳуқуқи билан бу мулкни эгаллаш (қўлида сақлаш), ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлганида бу ҳуқуқларни ўзига қайтарилишини талаб қила олади.

Виндикацион даъвонинг мақсади — бузилган мулкий ҳуқуқни тиклаш, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига қайтаришдан иборатдир.

Мулк эгасига унга қарашли ашё ўрнига, унинг қийматини тўлаш, барча ҳолларда ҳам мулк эгасининг манфаатларини таъминлай олмайди. Бинобарин, мазкур масалани ҳал қилишда жисмоний ёки индивидуал аломатли мулкларни эгалловчидан мажбурий тарзда олиб бериш ҳуқуқининг судларга берилиши мажбуриятларининг турмушда реал ижро этилишини, шунингдек, мулкий ҳуқуқнинг янада тўларoқ ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилади.

Виндикацион даъво мулк ҳуқуқини бузиш фактидан келиб чиқса ҳам, зарар етказишдан келиб чиқадиган даъво ҳисобланмайди. Виндикацион даъвога биноан ашё асл ҳолатида қайтарилиши талаб қилинса, зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятда эса, ашё ўрнига унинг қиймати талаб қилиниши мумкин.

Агар ишни ҳал қилишда шартномага оид жавобгарлик белгилаш учун асослар бўлса, у вақтда даъво шартнома мажбуриятлари тўғрисидаги нормаларнинг қоидаси бўйича ҳал қилинади. Бинобарин, виндикацион даъво ашёвий ҳуқуқий даъво сифатида қўрилганлиги туфайли шартнома юзасидан қилинадиган даъво билан аралаштириб юбормаслик лозим. Масалан, ашёни қайтариш ҳақидаги даъво шартнома мажбуриятларини, хусусан, ижара ёки омонат шартномалари юзасидан мулк эгаси ашёни асл ҳолида қайтариш тўғрисида даъво қилганида, ашёни қайтариб олиш ҳақидаги талаб шу шартномани тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар асосида қаноатлантирилади. Демак, бундай ҳолларда мулк эгаси шартнома даъвоси ўрнига виндикацион даъво қилишга ҳақли бўлмайди.

Мулкни эгаллаш қонуний ва қонунсиз бўлиши мумкин. Мулкни ҳуқуқ нормалари ёки шартномага асосланган ҳолда эгаллаш қонуний эгаллаш ҳисобланади. Бунда мулк рухсат этилган (қонун ёки бошқа ҳуқуқий акт билан йўл қўйилган) усул билан қўлга киритилади.

Қонунсиз эгаллаш ашёни етарли ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қўлда сақлаб туришга айтилади. Фақат қонунсиз эгалловчи, яъни даъво қўзғатилган вақтда низоли мулк қонунсиз эгалигида бўлган шахсгина даъво бўйича жавобгар деб ҳисобланиши мумкин.

Мулк эгаларининг мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш, гарчи бу эгалик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам йўқотиш ҳақидаги талаблари ҳуқуқ назариясида негатор даъволар деб аталади. ФКнинг 231-моддасида мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қила олиши кўрсатилган. Мазкур даъвонинг нарсаси мулк эгасининг бундай халақитни (тўсқинликни) йўқ қилиш ҳақидаги талаби ҳисобланади. У мулк эгасига мулкидан фойдаланишда, ўз ҳуқуқини амалга оширишда тўсқинлик қилади.

Судда негатор даъвони мулк эгасигина эмас, балки ашёни қонуний асослар бўйича, масалан, қонун ёки шартномага асосан эгалловчи шахс ҳам қўзғатишга ҳақли. Бундай қонуний эгалловчилар ўзларининг талабларини ФКнинг 231-моддаси асосида эмас, балки мулкни эгаллашларининг қонунийлигини белгиловчи ҳуқуқ нормалари (ФКнинг 232-моддаси) асосида қўя оладилар. Масалан, мулкий ижарага олувчи, яъни мулк эгаси билан тузилган шартнома бўйича ашёдан вақтинча фойдаланувчи шахс бу мулкни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи бузилганида ҳар кимга, шу жумладан, мулк эгасига нисбатан ҳам даъво қўзғатишга ҳақли. ФКнинг 232-моддасида айтилишича, гарчи мулкдор бўлмаса ҳам қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга мол-мулкка эгалик қилаётган шахс ҳам ФКнинг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга, яъни виндикацион ва негатор даъволар қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганишда мулк эгаларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мажбурият ҳуқуқига оид воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг бундай мажбурий-ҳуқуқий усуллари икки кўринишда: 1) шартномали муносабатлар; 2) шартномадан ташқари муносабатларда бўлади.

Шартномали муносабатларда мулк ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши тўғрисида шуни айтиш керакки, тузиладиган хилма-хил шартномалар аксарият ҳолларда қонунга, шартнома шартларига риоя қилиниб, тўғри ва инсофли равишда бажарилади. Аммо баъзи ҳолларда шартноманинг айрим иштирокчилари шартнома юзасидан олган мажбуриятларини бутунлай бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари ҳоллари ҳам учрайди. Бундай пайтларда табиий бузилган мулкий ҳуқуқларни тиклаш ҳамда шунинг ўзи билан мулкий ҳуқуқларни ҳар томонлама ва тўла ҳимоя қилиш масаласи қўйилади.

Шартномали муносабатларда мулкий ҳуқуқларни бузиш қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

— қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ФКнинг 116-моддасига биноан ҳақиқий саналмайди ҳамда ҳар икки тарафнинг ёки бир тарафнинг бундай шартнома юзасидан олган даромадлари давлат даромадларига ўтказилади;

— муомалага лаёқатсиз шахслар (ёш болалар, руҳий касаллар) билан битим тузилиши натижасида мазкур шахслар мулкий зарар кўрсалар, қонун (ФКнинг 117-119-моддалари) тузилган битимларнинг ҳақиқий эмас деб топиш билан бирга бузилган мулкий ҳуқуқнинг тикланиши лозимлигини ҳам кўрсатади;

— жиддий янглишиш, алданиш, зўрлик қилиниши таъсирида тузилган битимлар (шартномалар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай битимлар тузилиши натижасида бузилган мулкий ҳуқуқлар ҳам қонун (ФКнинг 122-123-моддалари) бўйича ҳимоя қилинади;

— айрим шартномалар масалан, олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, ижара, пудрат, юк ташиш ва бошқа қатор шартномалар бўйича олинган мажбуриятлар бутунлай ёки лозим даражада бажарилмаслиги натижасида ташкилотлар ёки айрим фуқаролар мулкий зарар кўришлари мумкин.

Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкий ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишига келсак, баъзи ҳолларда мажбурият муносабатлари юқорида айтилганидек, ўзаро келишув асосида тузилган шартномалардан келиб чиқмай, бевосита қонун билан ҳам белгиланиши мумкин. Бундай ҳолларда ташкилотлар ва фуқаролар қонунга асосан ўзаро мажбурият муносабатларда бўладилар ва ҳуқуқ субъектлари (юридик шахслар ва фуқаролар) бир-бирларига нисбатан муайян мажбуриятлар оладилар. Агар қонун билан белгиланган мажбуриятларни бажармаслик натижасида мулкий зарар кўрилса, бузилган мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш масаласи вужудга келади.

Шартномалардан ташқари бўладиган мажбурият муносабатларида мулкий ҳуқуқнинг бузилиши асосан қуйидаги ҳолларда учраши мумкин:

— баъзи ҳолларда айрим шахслар (юридик шахслар ёхуд фуқаролар)нинг мулкига қасддан ёки эҳтиётсизлик билан зарар етказиш туфайли мулкий ҳуқуқлар бузилади. Масалан, давлат ёки ташкилот мол-мулкини талон-торож қилиш, фуқаронинг мулкини ўғирлаш, фуқарога зарар етказилиши натижасида мулкий ҳуқуқлар бузилиши мумкин. Бундай ҳолларда қонун бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши, мулкий ҳуқуқларнинг ҳар томонлама ва тўла ҳимоя қилинишини белгилайди;

— хатолик билан бировнинг мулки олинган ёки тежалган бўлса, яъни бировнинг мулкини олиб қолиш ёки тежаш учун қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмаса — олинган ёки тежалган мулк эгасига қайтарилиши лозимлиги қонунда белгиланади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ҳамда уларни кафолатлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ, бузилган мулк ҳуқуқларини тиклашга қаратилган даъво турлари ҳамда бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашни ўзаро мувофиқлаштириш орқали намоён бўлади.

***Ўғлининг касал бўлиб қолганидан безовта бўлган она, боласининг тезроқ тузалиб, оёққа туриши учун дори-дармонга пул топиш кераклигини ўйларди. Ҳа, Зубайда моддий томондан сиқилиб қолганди. Эри ташлаб кетгач, онасиникига кўчиб ўтди. Ака-укалари ўзидан ортмас, онасининг нафақа пули эса увоқ ҳам бўлмасди. Зубайда йўл-йўлакай шу ҳақда ўйлар экан, қандай қилиб ИИБ биноси қаршисига келиб қолганини билмай ҳам қолди.***

# Қафасдаги қуш

**Х.МИРСОАТОВ,**
Тошкент транспорт прокурори ўринбосари

Ичкарига кирганида ғала-ғовур, димиққан хонанинг ҳididан ўзига келиб, бу ерга паспортини алмаштириш учун келганини эслади. Одам кўп. Навбатга туриб, у ёқ бу ёққа қараб улгурмасидан, "Кечирасиз, сиз охиримисиз", деган овозни эшитди-ю, ўгирилиб қаради. Рўпарасида 25-30 ёшлардаги аёл турарди.

— Ҳа.

— Унда мен сиздан кейинман, — аёл шундай дея унинг ёнидаги бўш жойга ўтирди.

Зубайда секингина унга разм солди. Оқ-сариқдан келган бу аёлнинг елкаси билан битта бўлиб ёйилган тим қора сочларининг жилосими ё ўзига жуда ҳам ярашган кофтасига қадалган, турли рангларда жилоланаётган рангли тошлармi, нимасидир одамни ўзига тортарди. Шу билан бирга, очиққина ҳам экан, ўзи гап бошлади. Аввалига у ёқ бу ёқдан суҳбатлашиб ўтириб, тезда танишиб ҳам олишди. Исми Марғуба экан. Зубайда сўнгги пайтларда сиқилиб юрган эмасми, нима учундир уни яқин олиб, ҳаёти ҳақида қисқача гапириб берди. Ёш боласи билан қийналиб қолгани-ю, иш топиши кераклигини айтиб, кўзига ёш ҳам олди. Марғуба уни эшитиб бўлгач, бир оз ўйланиб турди-да, тўсатдан иш таклиф қилиб қолди.

— Ҳа, ҳозир бировга осон эмас. Ахир "танаси бошқа дард билмас", дейишади-ку! Биласизми, сиз менга ёқиб қолдингиз. Хуллас, Москвада тикувчилик цехи бор. Иш шароитиям яхши, ойлик маошиям анча-мунча юқори. Агар хоҳласангиз, сизни ўша ерга жойлаштириб қўяман.

Дабдурустдан тушган бу таклифни эшитган Зубайда, аввалига нима дейишни билмай қолди. Бир томондан бу аёлни учратганидан ич-ичидан севинса, иккинчи томондан бетоб боласи-ю, онасини ўйлаб, кўнгли хижил бўлди.

Унинг жим бўлиб қолганини кўрган Марғуба яхшилаб ўйлаб кўришни, рози бўлса, ўзи билан бирга олиб кетишини, яқин кунларда бир неча ишчилар билан Москва шаҳрига йўл олишини айтиб, телефон рақамини ташлаб кетди.

Эртаси куни онаси билан маслаҳатлашиб, ундан розилик олгач, Марғубага қўнғироқ қилди. Белгиланган жойда учрашиб, паспортини берди. Ҳужжатлар тайёр бўлгач, Москвага йўл олишди.

Москва шаҳрига етиб келишгандан сўнг, аэропортдан Зубайда билан бирга келган қизни бир аёл олиб кетди. Уни бўлса, овлоқ жойдаги дала ҳовлига олиб боришди. Зубайда ичкарига кираркан, хона деворига суяниб турган йигитни кўриб, хавотирга тушди. Устига-устак Марғуба уни "Зафар" дея таништириб, ўзи чиқиб кетди. Йигит Зубайданинг ёнига келди.

— Хуш келибсиз, қушча. Қани бир кўрай-чи, ҳа, ёмон эмас. Опанинг дидига гап йўқ.

У шундай деганча, худди бозорда мол кўраётгандек, қўрқувдан дағ-дағ титраётган қизга тикила бошлади. Зафарнинг бу ҳаракатидан тамоман ўзини йўқотган Зубайда фақатгина:

— Ахир... ахир... қанақасига, Марғуба опа цехда ишлайсан деган...

Унинг гапи оғзида қолди.

— Бўлди, гап тамом. Бориб жойлаш, — деди йигит дағаллик билан.

Шу ондаёқ Зубайданинг хаёлида қочиш фикри туғилди. Эшик томон бир-икки қадам қўйган ҳам эди, ортдан берилган зарбадан ҳушини йўқотди. Ўзига келганида ўзини ҳайҳотдек хонада кўрди...

Орадан бир неча ой ўтди. Зубайда ўзини бутунлай олдириб қўйди. Айниқса, боласини жуда ҳам соғинар, уни яна бир бор бағрига босиш орзуси юрагини ўртар эди. Унга Самарқанд шаҳридан уй, машина олиб беришларини, фақатгина Зубайда уларнинг этганини қилса бас, ҳаммаси у хоҳлагандай бўлишини ваъда қилишди. Хуллас, Зубайда уч ой давомида фоҳишалик билан шуғулланди. Қаршилик қилганда калтак еди.

Орадан кўп ўтмай уни Туркияга олиб ўтишди. У ерда дўконда сотувчи бўлиб ишлашини айтишганда, жуда хурсанд бўлган эди. Афсуски, бу сафар ҳам уни лақиллатишди. Аллақайси қишлоққа олиб бориб, яна жирканч иш билан шуғулланишга мажбур қилишди. Шу зайлда ойлар ўтди. Кунларнинг бирида у яшаб турган хонадонга полиция ходимлари келишди-ю, уни маҳкамага олиб кетишди. Бир ойча қамоқда сақлаб, Москвага жўнатишди. Буни қарангки, Москва аэропортида уни яна Марғуба билан Зафар кутиб олишди. Йўлда Зубайда бундан кейин уриб ўлдирсалар ҳам фоҳишалик билан шуғулланмаслигини, уйга жўнатишларини айтиб, ёлворди. Зафар бунга жавобан унинг биқинига тепиб, ё ўлишини ёки боласи учун шу иш билан шуғулланиб, тирик қайтиши мумкинлигини айтди.

...Хонанинг эшиги очилар экан, навбатдаги мижозни кўриб, ўйланиб қолди. Кўринишидан юртдошига ўхшайди. Туппа-тузук одамдек кўринган бу эркакка нажот фариштасидек тикилди. Хонага бир зумгина чўккан сукунатни Зубайданинг йиғи аралаш овози бузди.

— Сиз ўзбекистонликмисиз, мени ёш болам бор, касал. У қаровсиз қолган. Қочишимда ёрдам беринг.

Орамизда яхши инсонлар кўп. Бу одам Зубайдага қўлдан келганча ёрдам берди. Москва-Тошкент йўналишидаги йўловчи поездига чипта олиб, жўнатиб юборди. Шу тариқа "қафасдаги қушча" озодликка чиқди.

Унинг аризаси билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.



# Исноd

***Инсоният ҳамма вақт эркин ва фаровон, бахтли-саодатли, барча ҳуқуқлари устувор бўлган жамиятда яшашни орзу қилиб келади. Мустақил мамлакатимизда ҳам ана шундай орзу-муддаоларга монанд жамият барпо этилмоқда. Лекин тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган шундай иллатлар ҳам борки, ҳақ-ҳуқуқини таниган ҳар бир фуқаро бундай иллатларга қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишни ўзининг инсоний бурчи деб билмоқда. Турли соҳалардаги ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида йўлимизга ғов бўлаётган коррупция, порахўрликка қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда. Ҳуқуқий онги ўсиб, қонуний ҳуқуқларини талаб қилишга ўрганаётган фуқаролар айрим мансабдор шахсларнинг порахўрлиги ва тамагирликлари ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этишаяпти.***

**Зоҳиджон МАМАЖОНОВ,**
Фарғона вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси
**Бахтиёр НАЗАРОВ,**
«Ниқиқ»

Андижон шаҳрида истиқомат қилувчи Акром Асадов (айрим исм ва фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) бир неча йил муқаддам яхши ниятлар билан бозордан 1999 йилда ишлаб чиқарилган "Нексия" русумли автомобиль сотиб олди. Бироз вақт ўтгандан сўнг машинасини гаровга қўйиб, "Жаҳон кредит уюшмаси"дан 8 млн. сўм миқдорида кредит олди. Лекин кредитни ўз вақтида тўлашга қурби етмади. Ўйлай-ўйлай қарзни камайтириш учун "Нексия" автомобилини сотишга қарор қилди. Бироқ машина гаровда, унга тақиқ қўйилган эди. Акром бунинг ҳам иложини топди.

Янги йил байрами арафасида Қўқон автомобиллар бозорига келди. Бозорни айланиб юриб машинага харидор топди. Ўзаро келишувга асосан машинасини Тошбой исмли йигитга кредит пулларини тўлаганидан кейин номига расмийлаштириб бериш шарти билан 15 млн. 200 минг сўмга сотиб юборди.

— Мана, 4 минг доллар, қолганини келишганимиздек тўлаб бораман, — деди харидор нақд пулларни топширар экан. — Машина эса менда қолади.

Акром машинанинг калитини унга тутқазди.

Шундан сўнг у енгил нафас олгандай бўлди. Тошбой кейинги тўрт ой мобайнида унинг кредитдан қарзини тўлаб турди. Лекин бора-бора қарзни тўлашга имкон тополмай қолди.

Машинани сотиб олган йигит кредитни қоплаш тарзида пулнинг қолганини тўлай олишига кўзи етмаган Акром адвокат ёллаб, машинасини қайтариб олиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Суд раиси "Нексия"га эгаликни тиклаб бериш ҳақидаги ишни кўриб чиқишни судья Сулаймон Акбаровга топширди. У аввал фуқаролик ишини қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарди, кейин эса 2010 йил 23 апрель куни ишнинг судда кўрилиши тўғрисида қарор қабул қилди. Даъвогар адвокат билан етиб келди. Аммо жавобгар келмагани учун иш кўрилмасдан қолдирилди. Қайта кўриш тайинланган кунда даъвогар ҳам, жавобгар ҳам келмагани учун иш кўрилмай қолдирилиши ҳақида ажрим чиқарилди. Даъвогар сентябрь ойининг бошида қайтадан мурожаат этганидан сўнг туманлараро фуқаролик суди раисининг қарорига асосан иш қайта кўрилишга қабул қилиб олинди.

Шундай қилиб, суд мажлиси 16 октябрга тайинланди. Бу сафар ҳам жавобгар келмагани туфайли ишни кўришни 19 октябрга қолдиришга тўғри келди.

Ниҳоят, белгиланган куни иш жавобгарнинг онаси иштирокида кўрилди. Она ўғли Тошбой "Нексия" машинасини келишилган нархда сотиб олиб, 4 минг долларни нақд берганини, 1,5 йил мобайнида тақиқда бўлган машина кредити учун ҳар ойда пул тўлаб туришни зиммасига олганини, ушбу маблағнинг бир қисмини даъвогарнинг таниши Тоҳир деган кимсага бериб қўйганини, бироқ у пулни эгасига топширмагани туфайли қарзидан тўла қутула олмаганини баён этди. Даъвогар унинг кўрсатмасини қисман тасдиқлаб, дарҳақиқат, Тошбойдан тўрт минг доллар олгани, кредит уюшмасига эса қарзи тўланмай қолгани, Тоҳир деган танишидан қолган пулларни олганида кредит қопланган бўлиши мумкинлиги ҳақида кўрсатма берди. Шундан сўнг судья ишни 23 октябрь куни Тоҳиржон иштирокида кўриш ҳақида қарор қабул қилади.

Бунгача, яъни сентябрь ойида ишни қайта кўришга қабул қилганидан кейин судья С.Акбаров даъвогарнинг адвокатига аста шипшиб, "Бу иш осонликча битмайди, ака, хизматимни қилсангизлар сизларнинг фойдаларингга ҳал қилиб бераман", дейди.

— Хўш, нима қилайлик бўлмаса?

— Клиентингиз котибимга учраб кетсин, — деб тайинлайди у адвокатга.

Адвокатнинг гапига кўниб, Акромжон судьянинг котибига учрашди.

— Манавини Сулаймон акага бериб қўйсангиз, — деди у котибга 200 долларни узатиб.

Аммо октябрь ойида ишнинг кўрилиши яна қолдирилганида даъвогарнинг адвокати судьянинг ҳузурига киришга мажбур бўлди.

— Энди ака, берганларинг ҳеч вақо эмас, — деди судья чайналиб. — шу... яна саккиз юз келтириб берсаларинг... машинани қайтариб оласизлар.

Судьянинг қабулидан чиққан адвокат мижозидан қанча берган эдингиз деб сўради.

— Икки юз...

— Минг қилиб бермасаларинг бўлмайди, деяпти.

— Мани бунча пулим йўқ.

23 октябрь куни адвокат судьянинг хонасига кирди.

— Ака, ҳужжатлар билан яна беш юз доллар олиб келдим.

Судьянинг юзи ёришди. Унинг имоси билан адвокат пулни стол устидаги китоб остига қўйиб чиқиб кетди. Бироз вақт ўтиб, хонага ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари кириб келишди.

Аввалига судья мен ҳеч қандай пулни кўрганим йўқ, деб туриб олди. Бармоқ излари мос тушиб, беш юз доллар порани олгани тасдиғини топганидан кейин ростини сўзлашдан бошқа иложи қолмади. Унинг порахўрликдан иборат жиноий қилмиши суд мажлисида исботланиб, тегишли жазо тайинланди.

# Зўравон



## у кимнинг эркаси эди?

*Улуғой ҳар куни коллеж дарвозаси ёнида кутиб турадиган, такрор ва такрор севишини айтиб чарчамайдиган, барваста қоматли йигитнинг сўзларига ишонди. Унга кўнгил қўйди. Барча бўйга етган қизлардек ширин орзулардан энтикди. Муҳаббат деб ўйлаганлари сароб эканлигини англамади.*

— Юр, шаҳар айланиб, томоша қилиб келамиз, — коллежга келган Улуғойни авради Аброр. — Биз ҳам бошқа севишганлар каби бир ўйнаб-кулиб келайлик.

Улуғой иштиёқ билан кўзига термулиб турган йигитнинг раъйини қайтара олмади. У ҳам аллақачон Аброрга кўнгил берган, қизларнинг уларга ҳавас билан қарашларидан бахт сурурини туяр, бу бахтини йўқотиб қўйишдан қўрқарди. Қолаверса, Аброрнинг тўй ҳақидаги кечаги гапларидан сўнг, уни ўзига анча яқин ола бошлаган эди. Шу тахлит икки севишган Косон туманидан Қарши шаҳрига айлангани келишди. Аброр Улуғойни бирор-бир сайр қилишга арзигулик жойга эмас, қандайдир танишининг ҳеч ким яшамайдиган, хилват квартирасига бошлаб бориши қизнинг қалбига бироз хавотир солган бўлса-да, йигитга бўлган ишончи бунга парво қилмади. Аввалига шўнчаки озроқ дам олиш учун қизни уйга киришга ундаган йигит, кейинроқ мақсадга кўчди:

— Улуғой, биласанми, мен кеча ота-онамга сенга уйланишимни айтдим, улар бунга рози бўлишмаяпти. Қанча аврасам ҳам фойдаси бўлмади. Ўйлаб-ўйлаб шу қарорга келдим. Барибир сенга уйланаман, шундай экан, ота-онамни иложсиз қолдиришимиз керак. Бизнинг бирга бўлганимизни билишса, рози бўлишдан ўзга чоралари қолмайди.

— Йў-ў-қ! — йигитнинг мақсадини тушунган қиз беихтиёр ортга тисарилди. Бироқ икки елкасидан маҳкам тутиб турган чайир бармоқлар уни бўшатиб юбормади..

Ўша куни ўзи кўнгил қўйган йигити билан шаҳар айлангани чиққан қиз кечга яқин бир аҳволда уйига қайтди. Қалбида минг хил хаёллар туғён урар, Аброр билан бугун қилиб қўйган ишларини ўйлаб, даҳшатга тушарди. Аброрнинг "Узоғи билан икки-уч ой ичида тўйимиз бўлади, сен ҳеч кимга бу ҳақда гапирмасанг, буни биров сезмайди", деган гапларигина унга таскин берарди. Бу воқеани ота-онасидан яширишга уринди-ю, Аброрнинг совчиларини интиқлик билан кута бошлади. Лекин кунда, кунаро совчилар ўрнига Аброрнинг ўзи келар ва Улуғойни "муҳим гапларни гаплашиб олиш учун" хилватроқ жойларга таклиф қиларди. Учрашувнинг илк дақиқаларироқ Аброр уни фақатгина ўз нафсини қондириш учун чорлагани сезилиб турар, бунга эришганидан сўнг эса бир дунё ваъдалар бериб, тезгина кўздан ғойиб бўларди. Улуғой бу ишларнинг оқибати яхшиликка олиб бормаслигини билса-да, бошқа чораси йўқ эди. Агар "йўқ" деса, Аброрнинг индамай юз буриб кетиши тайин эди ва бундан у ҳеч нарса йўқотмасди. Ўзи эса... Буни ўйлаб Улуғой даҳшатга тушар ва Аброрнинг тезроқ совчи жўнатишини кутарди.

Шу тахлит бир йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Йигитнинг гапи ҳамон ўша-ўша — "ота-онамни кўндиришга ҳаракат қилаяпман" эди. Улуғойнинг эса бу орада боши айланиб, вужудида ўзгариш сезила бошлади. Ҳомиладор бўлиб қолганини сезган қиз қанчалик шармандали бўлмасин, бу гапни йиғлай-йиғлай онасига билдирди. Шундан сўнг, йигит томон ҳам бундан хабар топиб, тўй тараддудига тушишди. Улуғойнинг бошига оқ ҳарир рўмол ёпилиб, у келинлик остонасини ҳатлаб ўтди. Унинг учун тўй ҳамма нарсани ҳал қиладигандек, шундан сўнг хавотирли кунлари ортда қолиб, бахтиёр келинлик онлари бошланадигандек эди. Бироқ...

Тўйдан сўнг икки-уч кун ўтибоқ, Улуғой ўзига нисбатан Аброрнинг оила аъзоларининг муносабати яхши эмаслигини ҳис қилди. Ҳамма унга енгилтак, Аброрнинг бошини айлантириб тегиб олган қиз сифатида қарарди. Бундай эмаслигини исботлаш имкони эса аллақачон бой берилганди. Ўзини ҳар қанча оқлашга тиришмасин, қорнида саккиз ойлик ҳомиласи билан келган келин эканлигини инкор этолмасди. Айниқса, "севаман, ўлдим-куйдим" қилиб юрган Аброрнинг ўзгариб қолганлиги, кунда ичиб келиб, ҳар нарсадан баҳона ахтариб, унга мушт кўтариши Улуғойнинг орзуларини чиппакка чиқарди. Тўйдан бир ой ўтиб, фарзандли бўлишди. Жажжигина қизалоғи унга овунч бўлди. Эрининг калтакларига ҳам, қайнонасининг кинояларига ҳам чидаб, умид билан яшай бошлади. Атрофдагиларнинг унга муносабати эса ҳамон ўзгармасди. Орадан уч йил ўтиб, ўғилли бўлишди ҳамки, Аброрнинг ақли кирмади. Кунора ичиб келиб, калтаклаши ҳам майли, енгилтак аёллар билан дон олишиб, бузуқ йўлларга юраётганини билиб яшаш Улуғой учун оғир эди. Аброрнинг оила аъзолари эса унинг Улуғойга хиёнат қилишидан хурсанд эдилар.

Бир куни Аброр балиқ овлаш учун тўр кўтариб чиқиб кетиб, эртаси чошгоҳгача уйига келмади. Ўша куни кимдир келиб, қайнонасига Аброрнинг қўшни қишлоқ ҳудудида иккита бузуқ аёл билан юрганини айтди. Буни Улуғой ҳам тўсатдан эшитиб қолди. Аммо аламини ичига ютиб, ҳеч кимга чурқ этмади. Бироздан сўнг қайнонаси унинг ёнига келиб, Аброрнинг қаёққа кетганини сўради.

— Билмайман, кеча балиқ овлашга бораман, деб кетувди, — дея ўзини билмасликка олиб жавоб берди у. Қайнонаси эса, унинг бу гапидан сўнг лаб буриб, киноя билан кулиб қўяр экан:

— Ҳа, эрингнинг қармоғига иккита наҳангбалиқ илинибди, шулар билан овора экан, — дея хурсанд бўлиб гапирди.

Қайнонасининг гапи Улуғойнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Эри келгач, унинг қаерда юрганлигини жаҳл билан сўради. Жавобига эса эри "Мени сўроқ қиладиган бўлдингми?", деб хуморидан чиққунча калтаклади.

Яна бир сафар кечга яқин қайнукаси келиб, Аброрнинг қўшни қишлоқ ҳудудидан ўтувчи канал бўйида шаҳарлик бир аёл билан шакаргуфторлик қилиб ўтирганини шипшиди. Минг кулса ҳам аёл эмасми, қалбида эрига нисбатан рашк уйғонди. Қоронғу тушгач, эрини излаб канал бўйига бориб, Аброрни у аёл билан бузуқчилик қилаётганида ушлаб олди. Аммо кейин бу иши учун минг пушаймонлар еди. Аброр "Нега изимдан келдинг?", деб ўша аёлнинг ёнида уни ўласи қилиб дўппослади ва ота-онасининг уйига олиб бориб, "Мана қизларинг, йиғиштириб олинглар", деб ташлаб кетди. Эртасига ичиб келиб, Улуғойни ўзи билан бирга кетишга ундади. Кўнмаганди, бирданига зўравонликка ўтди. Ҳатто уларнинг ўртасига тушган қайнотасини ҳам калтакдан бебаҳра қолдирмади. Куёвидан калтак еб, енгил жароҳат олган қайнота жаҳл устида участка профилактика инспекторига ва маҳалла фуқаролар йиғинига арз қилиб борди. Улар Аброрни огоҳлантиришди ва тушунтириш хати олиб, қўйиб юборишди. Қайнота эса индамай уйига қайтди. Бошқа биров арз қилмади. Зотан, у ҳам қизининг келажагидан ташвишда, куёвимнинг бир кун эси кириб қолар, деган умидда эди. Аброрнинг эса ҳалибери ақли кирай демасди.

Улуғой эрининг бундай хиёнатларини деярли ҳар уч-тўрт кунда эшитар ёки ўзи кўриб қоларди. Шундай бўлса-да, калтакдан қўрққан шўрлик жувон тишини-тишига босиб, чидашга мажбур эди. Бироқ тобора ҳаддидан ошиб бораётган Аброр яна бир куни Улуғойни нимадир баҳона билан роса дўппослади. Бутун бадани моматалоқ бўлиб, иситмалаб ётганда, устига опалари келиб қолишди.

Синглисининг ҳолига ачинган опалар бунинг сабабини сўрашди. У дардини ичига ютиб, юзимни тандирга куйдириб олдим деди. Аммо опалари бу гапга ишонишмади. Опаси Гулсанам куёвини чақириб, унга танбеҳ бермоқчи бўлди. Аброр эса гап-сўзсиз унинг юзига мушт туширди. Аёл қалқиб кетди, кўкрагига теккан тепки зарби эса уни ерга йиқитди. Гулсанам вилоят шошилинч-тиббий ёрдам шифохонасида бир неча кун ётиб, даволаниб чиқди. Бироқ Улуғойнинг келажаги опаларини Аброрнинг устидан шикоят қилишига изн бермади. Фақат Гулсанам ҳам, бошқа қариндошлари ҳам Улуғойникига умуман бормай қўйишди. Аброр бундан янада руҳланди.

Охири шўрлик аёлни бу азоблар чарчатди. У эрининг калтакларига чидарди, лекин ўзи сабаб ота-онаси, опалари тортаётган хўрликни кўтара олмади. Ожиз қалби ўзи тушиб қолган гирдобдан чиқиб кетишга йўл топа билмади. Барча хўрликларга иродасизларча таслим бўлди. Икки гулдек фарзандининг келажаги ҳам уни ўзини осиб, бу дунёнинг ташвишларидан қутулиб кетиш фикридан қайтара олмади.

* * *

Улуғойнинг ўлимидан сўнг унинг ота-онаси Аброрнинг қилмишларини баён этиб, Косон туман прокуратурасига шикоят қилишди ва мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратурасида жиноий иш қўзғатилди. Аброр ҳибсга олиниб, терговга тортилди. Энг қизиғи, тергов жараёнида унинг устидан яна бир ариза келиб тушди. Бу аризани бундан роппа-роса беш ой муқаддам ўз ҳовлисидаги омборхонада ўзини осиб қўйган Гуландон Бегимқулованинг отаси — М.Бегимқулов ёзган эди.

— Аброрнинг дастидан қизим ўзини осиб қўйганида қайсидир андиша билан мен прокуратурага арз қилмагандим. Бироқ унинг хотини ҳам ўзини осиб қўйганини эшитиб, чидаб туролмадим. Бу зўравон қонуний жавобгарликка тортилмас экан, у яна бошқа бировларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин, — деди у титраб.

Шундан сўнг Аброрнинг устидан қўзғатилган жиноят ишига М.Бегимқуловнинг аризаси ҳам қўшилиб, у иккала ҳолат бўйича ҳам терговга тортилди.

Биз Аброрнинг турмуш ўртоғи — Улуғойга нисбатан қилган зўравонликлар тафсилотини юқорида келтириб ўтдик. Унинг худди шу тахлитда марҳума Г.Бегимқуловага нисбатан қилган зуғумларини эшитсангиз ғазабингиз янада қайнайди.

Г.Бегимқулова қўшни қишлоқда яшар, у Улуғой билан коллежда, бир гуруҳда ўқиган курсдоши эди. Аброр Улуғойга уйлангач, ҳатто икки фарзандли бўлганидан сўнг ҳам бир неча бор Гуландон билан учрашиб, уни иккинчи хотин бўлиб ўзига тегишга ундайди. Бироқ жондек дугонасининг эри қилаётган бу таклифдан жаҳли чиққан қиз унга ғазабнок оҳангда рад жавобини беради. Шундан сўнг, Аброр бир куни унинг уйига маст ҳолатда тўғри кириб боради ва Гуландон деб бақира бошлайди. Ҳовлида синглиси ва жияни билан ўтирган Гуландон унинг овозини эшитиб, қочиб уйга киради. Аброр буни кўрмай қолади. У тўғри келиб синглиси Гулмира ва жияни Шаҳзодалардан Гуландонни сўрайди. Улар опам уйда йўқ, деб айтишгач, ҳовлини айланади ва уларнинг устидан кулиш учун оила бошлиғи М.Бегимқуловнинг туфлисини қўлига олиб, "Буни керак бўлса олиб келасизлар", дея индамай чиқиб кетади.

Шу воқеадан бир неча кун ўтиб, у яна маст ҳолатда Бегимқуловларнинг уйига кириб келади. Бу сафар Гуландон ундан беркинишга улгурмайди.

— Ўтган сафар келувдим, сени топа олмадим, шу боис дадангнинг туфлисини олиб кетдим. Менга тегишга рози бўлсанг уни келтириб бераман, — дейди у очиқчасига. — Хўш, тегасанми ё йўқми? — деган қатъий талабни қўяди.

Қиз эса ўзини тинч қўйишини сўрайди ва ҳеч қачон унга тегмаслигини таъкидлаб, қатъий рад жавобини беради. Нияти амалга ошмаган Аброр "Сени ҳеч қачон тинч қўймайман. Менга тегмай иложинг йўқ", дея сўкинганича чиқиб кетади.

Шундан сўнг Аброр Гуландонни ўзига тегишга мажбур қилишга қатъий киришади. Бир сафар у қизнинг ташқарига чиқишини пойлаб, икки соат ҳовлиси атрофида айланиб юради. Кечга яқин Гуландон қишлоқдаги дўкондан озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиш учун кўчага чиққанида унинг изидан тушади. Хилватроқ жойга ўтиши билан йўлини тўсади ва ўзига тегишга ундайди. Қиз рад жавобини бергач эса зўравонлик қилишга ўтади. Уни уриб-тепиб, агар тегмасанг, ўлдириб юбораман, деб қўрқитади.

Дўконга бораман деб кетган қиз шом қоронғусида ҳамма жойи кўкарган, кийимлари йиртилган, тупроққа беланган бир аҳволда уйига кириб келади. У зор-зор йиғлаб уйидагиларга Аброрнинг ўзига нисбатан қилаётган зуғумларини айтиб беради. Олдин ҳам бир-икки марта бу гапларнинг учини эшитган отаси тонг отса, Аброр билан яхшилаб гаплашиб қўйиши, керак бўлса, унинг устидан арз қилиб, қаматтириб юбориши ҳақида гапириб, қизини овутади. Аммо бу хўрликларга чидай олмаган қиз, эртаси куни тонгда ҳовли бурчагидаги омборхонада ўзини осиб қўяди.

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаганидек, қишлоқда зўравонлик билан ном қозонган, билак кучига ишониб, истаган ишини қилишим мумкин, деб ўйлаган Аброр Жабборов ҳам тегишли тартибда жазога тортилди. Бироқ унинг учун ҳақиқий жазо ҳали олдинда. Қанча-қанча хўрликларига, калтак ва ҳақоратларига гирифтор бўлиб, инсоний қадр-қиммати топталиб, ўз жонига қасд қилган икки аёлнинг чирқираган руҳи, ҳали эсини таниб улгурмай, онасидан етим қолган икки гулдек фарзандининг уволи, унинг қилмишларининг жабрини тортган оилаларнинг қарғиши, кўз ёши уни тинч қўярмикан?!

* * *

Жиноят тафсилотлари билан танишгач, бизни бир мулоҳаза ўйлантириб қўйди. Кўни-қўшни, қишлоқдошлар, қишлоқ фуқаролар йиғинидаги мутасаддилар, участка профилактика инспектори қаёққа қарашди? Наҳотки улар шунча ур-тўполонлардан бехабар бўлишса? Улар ўз зиммаларидаги вазифага виждонан ёндашганларида, фақат ўзларининг ҳузур-ҳаловатини ўйламаганларида юқорида қайд этилган фожиали воқеаларнинг олди олинган бўлармиди?

**Акмал САЙФИТДИНОВ,**
Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси
**Норбўта ҒОЗИЕВ,**
«Huquq»

# Товламачи

**Баҳриддин ҒАФФОРОВ,**
Қўшработ туман прокурори

Қўшработ туманида ҳам сўнгги йилларда тадбиркорлар томонидан турли маданий-маиший иншоотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилиб, аҳолига сифатли хизмат кўрсатилмоқда.

Азамат Сатаев ҳам яхши ниятлар билан тадбиркорликка қўл урди. "Раҳмон Раҳим ўғли" номли хусусий корхона ташкил қилиб, автомобилларга суюлтирилган газ қуйиш шохобчаси фаолиятини йўлга қўйди.

Кунларнинг бирида шохобчага келган Абдумўмин Тўрабоев ўзининг енгил автомашинасига газ қуйдиргач, оператор Дилшоднинг ёнига бориб:

— Менга қара, нега газни қиммат сотаяпсан? — деди важоҳат билан.

— Энди ака, биржа баҳоси қимматлашган, шунинг учун...

— Биржа-миржангни билмайман, менга аввалги нархда берасан. Бермасанг, чек бермаганинг, юқори нархда сотаётганингни тегишли жойларга ёзиб, шохобчангни ёптириб юбораман...

Хуллас, униси у деди, буниси бу деди. Абдумўмин эса Самарқанд вилояти Давлат солиқ инспекцияси ва бир қатор мутасадди ташкилотларга шикоят ариза билан мурожаат қилди. Мутасаддилар келиб текшириш ўтказишди. Шикоят-ариза атрофлича ўрганиб чиқилди. Кунларнинг бирида Азамат шикоятчи А.Тўрабоевни учратиб қолди.

— Ака, бир жойдан бўлсак, шунақа ёзишмалар шартми?! Мақсадингиз нима ўзи? Ишлагани қўясизми, йўқми?

— Ука, менинг совунимга кир ювмабсан. Яна ёзаман. Керак бўлса заправкангни Пайариқ туманига кўчириб олиб кетаман, — деди А.Тўрабоев осмондан келиб.

Азаматнинг жаҳли чиққан бўлса-да, ўзини босди. Оқибатни ўйлади. Муроса йўлини танлаб, унинг ёнига эътиборли инсонлардан бири — Неъматхожи бобони олиб келди. Ҳожи бобо ҳам ўз навбатида бундай келишмовчиликлар яхшиликка олиб келмаслигини, бир-бирини қўллаб, аҳил яшаш лозимлиги ҳақида насиҳат қилди.

— Яхши, сизнинг ҳурматингиз учун бошқа ёзмайман. Лекин Азамат ука, менинг шерикларим бор, уларнинг оғзини ёпишим учун 200 минг сўм берасан, — деди у.

Тинчини ўйлаган Азамат пулни етказди. Аммо товламачи сўзида турмади. Икки кун ўтгандан сўнг телефон қилиб, "Ука, биз 15 кишимиз, бизга 15 миллион сўм берасан, кейин заправкангни ишлатаверасан. Бўлмаса тинч қўймайман", деди. Шундан сўнг А.Тўрабоевнинг қистовлари ва дағдағаларидан безор бўлган Азамат Сатаев 3 миллион сўм пулни олиб бориб берди. А.Тўрабоев пулни олишга олди-ю, аммо яна ваъдасида турмади. У ҳар хил баҳоналар қилиб яна 3 миллион сўм талаб қилди. Алалоқибат, пичоқ суякка етиб, А.Сатаев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга А.Тўрабоевнинг қилмишлари юзасидан мурожаат қилди. Абдумўмин Тўрабоев тузилган тезкор тадбир давомида жиноят устида қўлга олинди.

Иш судга ошди. Товламачилик ортидан бойишга уринган Абдумўмин Тўрабоев 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



# «Ҳожатбарор» тоға-жиян

**Алишер ОЧИЛОВ,**
Сурхондарё вилоят прокурори ўринбосари

Нақл қилинишича, инсон яралганидан буён шайтон уни таъқиб қилишни қўймас экан. Унинг асосий мақсади, инсонни қинғир йўлларга бошлаб, гуноҳга ботиргач, жаннатдан қувилгани учун ўч олиш экан. Шундай бўлса-да, эс-ҳуши жойида, яхши-ю ёмон, ҳалол билан ҳаромнинг фарқига борадиган, имон-эътиқоди мустаҳкам бўлганлар буни вақтида пайқаб, шунга яраша ҳаёт кечиришмоқда. Бироқ, яна шундайлар ҳам учраб турадики, улар шайтоннинг кутқуси биланми ё нафсиларига қул бўлибми ёки яна бошқа сабаб билан жиноят қилдилар-да, охир-оқибат бошлари деворга урилгач, афсус-надомат чекиб, қилмишларини кечиришни сўрашади. Ваҳоланки, бундайларнинг аксарияти қилаётган ишларининг жиноят эканлигини, ҳар қандай жиноят эса бир кун келиб барибир фош этилиши-ю шунга яраша жазо ҳам муқаррар эканлигини жуда яхши биладилар.

Сариосиё туманида туғилиб вояга етган, икки нафар фарзанднинг отаси бўлмиш М.Дўсматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди. Йўқса, қўл ураётган ишининг ўта жирканч иллатлардан бири эканлигини билмасмиди? Жуда яхши биларди. Билса-да, ортига қайтмади. Мўмай даромад илинжида жиноятга қўл урди. Энг ачинарлиси эса, бу ишга уни бегона эмас, ўз тоғаси ундагани. Мана энди, жинояти фош этилиб, суднинг қора курсисидан ўрин олгачгина, қилмишидан пушаймонлигини айтиб, енгилроқ жазо беришларини сўраб ўтирибди. Афсуски, энди кеч, жудаям кеч.

Ўша куни бировларнинг "ҳожатини чиқариш"га устаси фаранг бўлган тоғаси Ҳ.Мажидовга "ёрдам" бермоқчи бўлиб, Тожикистондан Ўзбекистон Республикасига анча-мунча миқдордаги наркотик моддаларни олиб кирган жиянининг кайфияти аъло даражада эди. Ахир оз эмас, кўп эмас нақ етти қопга жойланган "юк"дан қоладиган "чўтал" озмунча бўладими?! Хуллас, улар Ўзбекистонга кириб келишлари билан тоға "бизнес ҳамкор"и бўлмиш Ҳ.Жамоловга қўнғироқ қилиб, иш бажарилганлиги ҳақида хабар қилади. Ҳ.Жамолов шу заҳоти шериги Т.Ҳамидов билан боғланади-да, Бандихон туманига бориб, "юк"ни қабул қилиб олишни тайинлайди. Ўша куниёқ М.Ҳамидовни ҳамроҳ қилиб олган Т.Ҳамидов йўлга чиқади ва айтилган манзилга етиб келгач, тоға-жияннинг машинасидаги "юк"ни ўзларининг машиналарига ортишади.

— Мана иш ҳам битди, — хотиржам оҳангда гап бошлади Ҳ.Мажидов, — энди "соққа"га келсак. Ўттиз минг кўкини Шерободга келганинглардан кейин оласизлар.

Шериги билан Шеробод туманига кириб келган Т.Ҳамидов машинани унинг уйи томон ҳайдашни тайинлайди. Кўп ўтмай "юк" С.Ҳамидовнинг ертўласидан жой олади. Эртаси куни тоға-жиян билан учрашишганда, Ҳ.Мажидов Т.Ҳамидовнинг қўлига 10 минг 500 АҚШ долларини тутқазиб, қолган 19 минг 500 долларини таниши орқали етказишни ваъда қилади.

Эртаси куни бир қариндошини чақиртириб, Т.Ҳамидовдан озроқ қарз бўлиб қолганини айтган тоға, "шу пулни олиб бориб берсанг, қолган 10 мингини "Юнистрим" пул жўнатма хизмати орқали жўнатишади. Уни ҳам ўзинг олиб, шу одамга етказасан", дея илтимос қилади ва унга 9 минг 500 АҚШ доллари беради. Ҳеч нарсадан хабари йўқ қариндош "йўқ" дея олмай, илтимосни бажариб келгач, икки-уч кундан кейин банкнинг туман бўлимига бориб, Россиядан жўнатилган 10 минг долларни ҳам қабул қилиб олади ва бу пулларни ҳам Т.Ҳамидовга етказади.

Эндиги вазифа "юк"ни қандай бўлмасин, Самарқандга олиб бориш эди. Шу боис таниш ҳайдовчи билан гаплашган шериклар, унинг бошқарувидаги "КАМАЗ" машинасининг тиркамасига "юк" жойланган қопларни ортгач, йўлга тушишади. Айтмоқчи, юк машинасининг давлат рақами бўлмагани сабабли унга бошқа машинанинг давлат рақамини тақиб олишади.

Самарқанд шаҳрига етиб келишгач, тиркамани "юки" билан бошқа бир "КАМАЗ" машинасига улаб қўйишади. "Юк"ни қабул қилиб олганлар ҳам йўлда шубҳа уйғонмаслиги учун тиркамага ўзларининг юк машиналаридаги давлат рақамини тақиб олишади. Кўп ўтмай Бухоро вилоятининг Жондор туманига кириб келган "КАМАЗ" Ҳ.Жамоловнинг уйи ёнида тўхтайди ва "юк" унинг уйига туширилади. Бу орада тоға бериб юборган 30 минг АҚШ долларини қўлга киритган Ҳ.Жамолов бу ишда ҳамкорлик қилган Т.Ҳамидов, М.Ҳамидов ҳамда С.Ҳамидовларга хизмат ҳақларини бир ҳафтадан кейин олишларини айтиб, уларга "миннатдорчилик" билдиради...

Бошланган ҳар қандай ишнинг бир кун келиб охири бўлганидек, юқорида номлари зикр этилган "ҳожатбарор"ларнинг ҳам қилмишларига чек қўйилди. Буни қарангки, улар олиб ўтган "юк" 195,224 грамм "героин" билан 521 грамм "гашиш" гиёҳвандлик воситаси экан.

# Йўлдаги жанжал

**Зокир БАРНОЕВ,**
Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси

Йўл. Бир бўғиндангина иборат бу сўз маъносининг қамрови шу қадар кенгки, таърифини келтириш осон иш эмас. Йўлни, у хоҳ пиёда, хоҳ отлиқ учун бўлсин, эъзозлашган, зеро, ҳар кимни манзилга йўл элтади.

Фахриддин Бозоров "Нексия" русумли автомашинада Навоий шаҳри томон елиб борарди. У шу тобда машинасини секинлатиб, йўлнинг чеккасида велосипедда кетаётган Зоҳиджон Раҳмоновга танбеҳ бериб, йўлнинг четидан ҳаракатланишини талаб қилади. Бироқ З.Раҳмонов унга тўғри кетаётганлигини айтиб, эътироз билдиради. Шундан сўнг Ф.Бозоров машинадан тушиб, "Сен мени ҳақорат қилдинг", дея З.Раҳмонов билан жанжаллашиб қолади.

Иккала томон бир-бирдан кечирим сўраганида вазият бу қадар чигаллашмаган бўларди. З.Раҳмонов уяли телефон орқали укаси Ғиёсжон Раҳмоновни ёрдамга чақиради. Ф.Бозоров автомашинага ўтириб, воқеа жойидан Навоий шаҳрига қараб жўнайди.

Ғ.Раҳмонов ўзининг бошқарувидаги "Матиз" русумли автомашинасида акаси З.Раҳмоновнинг олдига етиб келади. Биргаликда Ф.Бозоровни қидириб, Навоий шаҳридаги "NEO" кафеси ёнида унга етиб олишади ва йўл чеккасига қисиб, уни тўхтатишади. Ф.Бозоров автомашинадан тушганида Ғ.Раҳмонов уни уриб, енгил тан жароҳати етказади.

Афсуски, воқеа шу билан ниҳоясига етмади. Ака-ука Раҳмоновлар ва уларнинг таниши Ш.Дўстбаевалар машинага ўтириб, воқеа жойидан кетмоқчи бўлишади. Ф.Бозоров эса улардан ўч олиш мақсадида автомашинасида сақлаб келаётган пичоқни олиб, "Матиз" автомашинаси очиқ ойнасидан ҳайдовчи ўрнида ўтирган Ғ.Раҳмоновнинг чап кўкрагига шафқатсизларча пичоқ уради. Ғиёсжон Раҳмонов олган оғир тан жароҳати натижасида шу куни шифохонада ўзига келмасдан вафот этди.

Йўл устида бошланган арзимаган жанжал ёш йигитнинг умрига завол бўлди.

Жиноячига жазо муқаррарлиги аниқ. Суд судланувчи Фахриддин Бозоровни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топди ва унга нисбатан узилкесил 19 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

# Талаба бўлишнинг «осон» йўли

**Глеб ЕЛИЗАРОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг бўлим катта инспектори

"Ҳолва деган билан оғиз чучимас" дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, бирор натижага эришиш учун тинмай меҳнат қилиш, тер тўкиш керак. Аммо талабаликни орзу қилган А.Алиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) ўқишга киришнинг осонроқ йўлини танлади. Китоб ўқиш, ўз устида ишлаш ўрнига ишончли таниш топиш ҳаракатига тушди. Шу мақсадда ўзи ўқишни хоҳлаган Тошкент Давлат Техника университетидан унга ёрдам берадиган одам қидирди.

"Излаган имкон топар" деганларидек, мазкур университетда лобарант бўлиб ишловчи С.Арипова билан танишиб қолди ва унга ўз мақсадини айтди. Бир неча кун олдин С.Ариповага таниши Одил Юнусов: "Ўқишга кирадиган танишларингиз бўлса айтинг, сизни ҳам қуруқ қўймайман", дегандек бўлганди. А.Алиевнинг гапидан сўнг, дарҳол О.Юнусовга қўнғироқ қилган С.Арипова ёғли мижоз борлигини айтди ва ўз навбатида унинг телефон рақамини "мижоз"га берди. Шу тахлит жиноят занжири яна битта бўғинга кўпайди.

Одил эса А.Алиевга талабалик бахти насиб қилиши учун нақд 4000 минг АҚШ доллари бўлишини айтди. Тўғри-да, унинг ўзи ҳам ўртадаги одам. Юқорида ишлайдиган танишига пулнинг асосий қисмини беради, ўзи эса воситачилик қилгани учун "арзимаган" 100-200 лик бўлиб қолади.

Шундан сўнг тарафлар ўзаро келишиб олиш учун учрашувга аҳд қилишди. 4000 АҚШ доллари "ҳажрида" уйқуси қочган Одил Юнусов тунги соат 4:00да учрашув белгилади. Учрашув жойи эса Олмазор тумани, Тансиқбоев мавзесидаги автобуслар сўнгги бекати, "Туркистон" тўйхонасининг яқини. Айтилган вақтда айтилган жойга долларларни олиб келган А.Алиев келишув давомида ўқишга кириш нархини аввал айтилганидан 500 доллар камайтиришга эришди. Энди унинг талабалиги оз эмас, кўп эмас, 3500 АҚШ долларига баҳоланаётган эди. Келишув сўнггида 3500 "кўки"ни чўнтагига солганча жуфтакни ростламоқчи бўлган О.Юнусовнинг йўлига Департамент ходимлари "ғов" бўлишди. Ашёвий далиллар билан қўлга олинган қонунбузар О.Юнусов судда айбига иқрор бўлиб, фуқаро А.Алиевни ўқишга киритиш учун 3500 АҚШ доллари олганини ва бу пулларнинг 3300 долларини университетнинг собиқ ўқитувчиси С.Олимовга беришини, қолган 200 долларини лаборант Арипова билан бўлишиб олишини маълум қилган...

Ёднома



# Жонкуяр инсон эди

***Йўлдош ака Пардаев... Ҳамкасбимизнинг истарали сиймоси, ҳазил-ҳузуллари, гап-сўзлари уни кўрган, билганлар хотирасида абадий қолди. Таҳририятимиз ходимлари аксарият ёшлардан ташкил топгани боис бўлса керак, у кишини аввало ота, қолаверса, доно маслаҳатгўй инсон сифатида билардик. Ушбуларни қоралаб ўтирибман-у, назаримда ҳозир эшик очилади-да, биринчи пиллапояга оёқ қўйиш баробарида "Вой, жоним-эй" деганча қадрдон сумкасини қўлтиқлаган Йўлдош ака кириб келадигандек...***

Очиғини айтганда, қўлга қалам олишдан мақсадим бўлак эди. Муддао ҳасрат эшигини очиш ёки дардни янгилаш эмас, балки умрини фақат илмга, адабиётга, қолаверса, жонкуярлик ва эзгуликка бағишлаган одамни эслаш, у киши ҳақида бир-икки яхши сўз айтиш эди, холос.

Каминага Йўлдош ака билан ўн йилдан ортиқ бир хонада ишлаш насиб этган. У киши немис тили мутахассиси бўлгани учун элчихоналардан ҳам тез-тез қўнғироқлар бўлиб турарди. Шунингдек, ёзувчи, таржимон ҳамда ҳассос шоир сифатида танилган бу инсоннинг дастхати қўйилган китобларини ҳар бир ҳамкасбимизнинг китоб жавонида кўриш мумкин. Айниқса, немис тилидан ўзбек тилига тўғридан-тўғри қилинган таржималари у кишининг бу соҳа бўйича ҳам етук мутахассис даражасида бўлганидан дарак беради. Олмон исломшунос ва шарқшунос олимаси Аннемарие Шиммельнинг "Жонон менинг жонимда" номли китобнинг ўзбек тилига, Алишер Навоий рубойиларининг ва ҳатто муқаддас "Қуръони Карим"нинг айрим бобларини немис тилига таржимаси... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ходимларимиз у кишини ҳазил аралаш "немис бува" деб аташарди. Турли байрам, тўй, ҳамкасбларнинг туғилган куни ёки юбилей дастурхонларида ҳам аввал у кишининг дуоси олинар эди. Иш кунимизнинг бошланишида ҳам биринчилардан бўлиб, Йўлдош ака дуога қўл очар эди.

У юрагида ўти бор инсон эди, десам муболаға бўлмайди. Ўзи қолиб, ўзгалар ташвиши билан яшаш билан бирга, каттага ҳурмат, кичикка иззатда бўлиш у кишига доимо ҳамроҳ эди. Орзу-ҳавасларини жамоадан сир тутмаганлар.

Йўлдош аканинг, айниқса китобга ҳурмати чексиз бўлиб, "Инсоннинг китобга ва илмга бўлган муносабатини китоб варақлашидан ёки китоб тутишидан билса бўлади", деган гапни бот-бот такрорлаб турар эдилар. Шу билан бирга, илмли инсонларга ҳам доим иззат-икром билан муносабатда бўлардилар. Ҳеч унутолмайман: қишнинг аёзли кунлари. Эшикдан кириб келган заҳоти, сумкасидан муқовалари йиртилиб кетган китобни олди-да, худди чинни идишни эъзозлагандек эҳтиётлаб, стол устига қўйди. Кейин совуқдан кўкариб кетган қўллари билан китоб юзини силади. Менга кўзлари тушгач, секингина: "Бу китобни уйга бориб ямайман", дедилар. Маълум бўлишича, китобни Навоий кўчасидаги ёймадан олган эканлар.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди: 2006 йилнинг баҳорида ўт пуфаклари операция бўлган эди. Ишга чиққач, операцияга олиб кириш жараёнида хаёлларига қуйилиб келган тўрт мисра шеърни жамоага ўқиб эшиттирдилар:

*Кўплар атрофингда гирдикапалак,*
*Кучга тўлиб жавлон урган онингда.*
*Бошингга бир кулфат соларкан фалак,*
*Ҳақдан ўзга ҳеч ким қолмас ёнингда".*

Шеърларини ўқиб бергач, унга изоҳ киритдилар: "Соғ-саломат юрганингизда ҳамма олдингизга келиб қуллуқ қилади. Аммо бетоб бўлиб қолган онларингизда сизга парвона бўлиб, "ака-ака" деб юрганлар-у, ҳатто оилангиз ҳам чорасиз қоларкан. Сабаби, ёлғиз Яратганнинг ўзидангина марҳамат кутар экансиз. Одамзот бежизга "марҳаматингни дариғ тутма" демаслигини ўзимдан ўтгандагина яхшироқ ҳис қилдим".

**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
«Huquq»

Ёшлар билан ҳамсуҳбат бўлганларида ўзларини ёшлардек ҳис қилиб, ўрни келганда уларга, албатта, маслаҳат берганлар. Табиатан содда, хушчақчақ, камтарин, меҳнаткаш одам эдилар. Ҳамкасблар назарида, Йўлдош ака ҳатто қаримаслиги ҳам лозим эди. Болажонликларини эса айтмаса ҳам бўларди.

Жамоага устоз бўлган ҳамкасбимизнинг ғамхўрлиги ва қўли очиқлигини алоҳида эътироф қилсак арзийди. Газетани саҳифалаш ва нашриётга топшириш кунларидаги навбатчиликларда ишхонамиз олдидаги дўкондан турли ширинликлар олиб келиб, ҳаммага улашиб чиқардилар.

Устозимиз оиласига ҳам жуда меҳрибон эдилар. Ишдан уйларига қўнғироқ қилиб, рўзғорнинг кам-кўстидан хабар олишни канда қилмаганлар. Аввало, турмуш ўртоғи ва фарзандларининг ҳол-аҳволини сўраб, сўнг хотиржам ўз ишларини давом эттирардилар.

Инсондаги одамгарчилик, камтарлик, жонкуярлик, адолатпарварлик, шижоаткорлик ва меҳнатсеварлик каби энг улуғ фазилатлар у кишида мукаммал ўз ифодасини топгани учун ҳам Йўдош ака Пардаев ижодкорлар ва ҳамкасблар хотирасида мангу яшайди.

Ижодкорнинг энг буюк бахти шу бўлса ажаб эмас. Бу бахтга муяссар бўлган ёзувчи эса барҳаёт бўлиб қолади.

# Пхеньяндан ғалаба билан



**М.ҚАМБАРОВ,**
«Huquq»

***Жаҳон чемпионати-2014 Осиё минтақаси 3-босқичида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси 3-турда Шимолий Кореяга сафар уюштирди. Гуруҳдаги асосий рақибимиз билан бўлган ушбу ўйин бутун ўзбек футболи мухлисларини ҳаяжон ва хавотирда ушлаб турди.***

Аввалданоқ Пхеньяндан тўғридан-тўғри трансляция амалга ошмаслиги маълум бўлган эди. Шундай бўлса-да, сўнгги сониягача мухлислар умид билан "Спорт" телеканали қаршисида учрашув бошланишини кутиб ўтирган бўлишлари табиий. Аммо учрашувнинг жонли эфирда томоша қилиш имкони бўлмагач, барча интернетга ёпишиб олгани айни ҳақиқат. Аксига олиб, ҳатто интернетда ҳам ўйин тафсилотларидан тўлиқ хабардор бўлишнинг имкони бўлмади. Фақатгина биринчи бўлим якунланганидан сўнг терма жамоамиз ўйиннинг 25-дақиқасида Александр Гейнрихнинг голидан сўнг ҳисобни очганлиги борасида маълумот пайдо бўлди. Бироқ бу хабар ҳам шубҳалидек туюлди. Сабаби бошқа сайтларда 0:0 ҳисоби порлаб турарди. Ҳатто ўйин тугаганидан кейин ҳам бир муддат Вадим Абрамов шогирдларининг ғалаба қозонганлиги аниқ бўлмай турган эди. Хайриятки, ҳаммаси ижобий якун топди.

Бевосита ўйин борасида гапирадиган бўлсак, ҳакамнинг хуштаги чалиниши билан майдон эгалари ҳужумга ташланишди. 3 дақиқанинг ўзида Шимолий кореялик футболчилар 3 маротаба ҳисобни очиш учун жуда яхши имкониятга эга бўлишди. Бахтимизга омад бизга кулиб боқди. Дастлабки 10 дақиқа давомида ўйин асосан бизнинг жарима майдонимиз атрофида бўлди. Шимолий кореялик футболчилар узоқ масофаларга пас бериш орқали ҳужумларини ташкиллаштирарди. Тезкор футболчиларга қарши ҳимоячиларимиз довдираб қолишди. Аммо майдон эгалари ҳам ҳужумни якунлашда кичик хатоларга йўл қўйишди.

Аста-секин вакилларимиз тўпни кўпроқ ўзларида сақлаб, ўйин суръатини туширишнинг уддасидан чиқа бошлашди. Ўйиннинг 25-дақиқасида шимолликлар ўз услубларида, яъни тўпни узоқ масофага етказиб бериш орқали ҳужумни ривожлантириш орқали жазоланишди. Майдон марказига яқин жойдан Азиз Ҳайдаров ажойиб пас билан ҳужумчимиз Гейнрихни олдинга бошлади. Гейнрих тўп учун курашда рақибларнинг икки ҳимоячисини алдаб ўтиб, зарба берди ва ҳисобни очди.

Табиийки, уй жамоаси ҳисобланадиган Шимолий кореялик футболчилар ўз майдонларида мағлубиятни тан олишмасди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас майдон эгалари ҳисобни тенглаштириш учун жуда яхши имкониятга эга бўлишди. Кейинроқ эса 38 дақиқа давомида жуда яхши ҳаракат қилган дарвозабонимиз Игнатий Нестеров қўпол хатога йўл қўйди. Ундан ўтиб кетган рақиб футболчиси тўпни шеригига етказиб берди. Ўша вазиятда Шимолий кореялик футболчининг бўш турган дарвоза томон бош билан берган зарбасидан кейин сўнгги сонияда Ислом Тўхтахўжаев тўпни қайтаришнинг имконини топди. Биринчи бўлимнинг охирларида Сервер Жепаров рақиб дарвозасига термамизнинг иккинчи тўпини киритди. Бироқ ҳакамлар футболчимизни ўйиндан ташқари ҳолатда қолган деб ҳисоблаб, голни ҳисобга олишмади.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари қанчалик ҳаракат қилишмасин, мағлубиятдан қутилиб қола олишмади. Шундай қилиб, 3 та ўйиндан сўнг Ўзбекистон миллий терма жамоаси 7 очко жамғариб, гуруҳда японлар билан қўшҳокимликни сақлаб қолишди.

Эслатиб ўтамиз, 11 ноябрь куни терма жамоамиз КХДРни ўз майдонида қабул қилади.


## "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

**«Huquq» газетасининг 2011 йил 6 октябрдаги 40(769)-сонида техник хатоликлар сабабли чоп этилган "КМСХ" МЧЖнинг Сурхондарё вилояти филиалига тегишли эълон матни қуйидагича ўқилсин:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли қарори ва Сурхондарё вилояти, Ангор туман ҳокимининг 2011 йил 26 августдаги 975 ва 976-сонли қарорлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси Сурхондарё ҳудудий бошқармасининг 2011 йил 22 сентябрдаги 51-од-сонли буйруғига асосан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун қуйидаги ер майдонларига бўлган мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларига чиқарилмоқда:

1. Ангор тумани, А.Навоий ҚФЙ, "Деҳқонбирлашув" маҳалласи ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қуриш ва ёрдамчи хўжаликлар юритиш учун ажратилган ҳар бирининг ҳажми 800 кв. метрдан иборат (1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33 ва 34-сонли) 34 дона ер майдонлари.

Ҳар бир ер майдонига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси - 48 000 сўмдан.

Очиқ аукцион савдолари 2011 йил 9 ноябрь куни соат 11:00 да Сурхондарё вилояти, Ангор тумани ҳокимияти мажлислар залида ўтказилади.

Мазкур ер майдонлари бўйича аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2011 йил 4 ноябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

2011 йил 9 ноябрь куни ўтказилган очиқ аукцион савдосида сотилмаган ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йилнинг 16 ва 23 ноябрь кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий очиқ аукцион савдоларига ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун буюртманомалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари ҳар куни 18:00га қадар қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, ер майдони бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини "KMSX" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги АТБ "Савдогар-банк" Музработ филиали Термиз шаҳар мини банкидаги қуйдаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000204920609017, МФО 00336, СИТР 207122519.

Қўшимча маълумотлар олиш учун савдо ташкилотчиси — "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг манзили: Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 32-уй, 2-қават.

Телефонлар: (8376) 227-57-94.
rieltsavdo@inbox.uz
Лицензия RR-0001.



Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV



Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)



Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53
Faks: 233-10-53, 233-64-85



Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Ⓣ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.



Buyurtma j-2907. 51 890 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: M.QAMBAROV
Navbatchi : O`.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.